O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Chorshanba, 1-iyul, 2009-yil ● №28 (631) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● e-mail: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

КИТОБ — МАЪНАВИЯТ КАЛИТИ

...Ношир ҳақ. Нашр этишга арзийдиган китоблар кўп. Масаланинг "аммо"сини ўйлаб кўрадиган вақт эса ўтиб кетаяпти. Ахир маънавиятнинг калити — китоб эканлигини ҳаммамиз биламизку! Маънавий озуқа олмаган китобхон, қуввати йўқ дарахтга ўхшаб қолмайдими?!

⇨ 3-бет

ОМАДГА ЭРИШМОҚ УЧУН...



Юртдошларимиз телевизор қаршисида юрагини ҳовучлаб ўтиради, жамоамизни шу тариқа қўллаб-қувватлайди. Назаримда футболчиларимиз мана шуни ҳам ҳис қилишлари керак. Ўзлари учун ўйнамасалар ҳам уларнинг ғалабасини интиқлик билан кутаётган миллионлаб қора кўзлар учун бор маҳорат ва кучларини ишга солиб тўп суришлари шарт.

⇨ 5-бет

АДАБИЁТНИ ВИЖДОН ДЕБ БИЛАРДИ

У киши "Адабиёт ўладими?" мақоласини Ёзувчилар уюшмасидаги катта адабий йиғинда тик туриб, гулдираган овозда ўқиб берганида одамлар уни шеър ёхуд достон каби тинглаганлари ҳамон кўз ўнгимда турибди. Йиғилиш қизғин мунозаралар билан якунланганди ўшанда.

⇨ 7-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

■ Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.

■ **27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни муносабати билан Президентимизнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига байрам табриги эълон қилинди.**

■ 28 июнда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши раҳбарининг ўринбосари Ли Кецянни қабул қилди. Суҳбат чоғида икки томонлама муносабатларга доир ҳамда халқаро ва минтақавий ривожланиш йўналишлари билан боғлиқ масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

■ **24 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.**

■ 25-26 июнь кунлари Тошкентда "Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислоҳотлари соҳасидаги ютуқлар ва унинг истиқболлари" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Ушбу анжуман Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди, Олий суд ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази томонидан Германиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ва Европа Иттифоқи ҳуқуқи орқали демократлаштириш Венеция комиссияси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

ФАХР

МАТБУОТ — ДАВР КЎЗГУСИ

Юртимизда ижодкорларни рағбатлантириш, меҳнатини эъзозлаш мақсадида "Энг улуғ, энг азиз", "Олтин қалам", "Йилнинг энг фаол журналисти", "Жамият ва мен" каби қатор нуфузли танловларнинг анъанавий тарзда ўтказилаётгани мамлакатимизда фаолият юритаётган оммавий ахборот воситалари ходимларини янада кўтаринки руҳда ижод қилишга ундаётганига шубҳа йўқ.

Давлатимиз раҳбари яқинда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни муносабати билан журналистларга йўллаган байрам табригида "... Ўзбекистонимизни янада равнақ топтириш учун юртимиз кундан-кунга қандай ютуқ ва марраларни қўлга киритаётган бўлса, оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳам ғоят муҳим янгиланиш ва ривожлантириш жараёнлари юз бераётганини, матбуотимизнинг ҳаёт билан ҳамнафас бўлиб бораётганини муштарийлар, жамоатчилигимиз чуқур ҳис этмоқда ва ана шу ўзгаришларнинг амалий самарасига гувоҳ бўлмоқда", деб алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, бундай самимий сўзлар, ижод аҳлига берилаётган эътибор ҳар бир ижодкорни ўз устида янада ишлашга, Ватан, юрт тараққиёти учун меҳнат қилишга чорлайди. Зотан матбуот ходими, ҳақиқий журналист учун ҳамиша одамларнинг дарду қувончига шерик бўлиш шарафли ва масъулиятли қутлуғ бурчдир.

СУРАТДА: *журналистика соҳасида "Олтин қалам" миллий мукофотининг совриндорларидан бири "Молодежь Узбекистана" газетаси мухбири Гулбаҳор АЗИМОВА.*

ДИЛ СЎЗИ

Чўққига чиқиш машаққати ва шарафи

Ҳамма замонларда ҳам ахборотга бўлган эҳтиёж жуда муҳим бўлган. Донишмандлардан бири эса "Миллатни газета асрайди" деган экан. Бу ибора албатта, фақат газета эмас, балки барча оммавий ахборот воситаларининг нечоғли катта аҳамиятга молик эканлигига ишора сифатида айтилган бўлса, ажаб эмас. Бугунги шошқин ҳаётимизда эса дунё шу қадар ривожланиб бораётган бир даврда гарчи бир пайтлардагидек газеталар қўрғошинда ёки тошбосма усулида чоп этилмаса-да, ҳар қандай маълумот ёки хабар бир неча сониялар ичида дунёнинг нариги нуқтасига етиши мумкин бўлган тезкор замонда ҳам одамларнинг ахборотга, янгиликка бўлган эҳтиёжи ортса ортганки, асло сусайган эмас.

Шу маънода диёримизда матбуот ва ОАВларида кечаётган жараёнларга назар ташлаб, соҳада улкан ўзгаришлар юз бераётганини эътироф этмаслик инсофдан эмас. Биринчидан, атиги йигирма йилча илгари, аниқроқ айтганда мустақиллигимиздан аввал республикамиздаги таҳририятларда биргина компьютер деган жиҳознинг ўзи йўқ эди. Интернет тармоғи тўғрисида-ку яхшироқ тасаввурга ҳам эга эмас эдик.

Бугун-чи, республика нашрларини қўйинг, мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларидаги туман газеталари ҳам тўлиқ замонавий технологияларга эга. Бир қарашда бу оддий ҳолга ўхшайди. Аммо масалага чуқурроқ ёндашиб, мулоҳаза қилиб кўрсак-чи? Ахир, маърифатпарвар боболаримиз ташкил этган "Тараққий" газетаси 1906 йилда чоп этилган эди. Орадан 70-80 йил ўтгач ҳам бу соҳадаги бугунги ўзгаришларни тасаввур қилишнинг имкони бўлмаган эди-ку!

(Давоми 3-бетда)

Газета «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам тарқатилади.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги ва Ўзбекистон Бадиий академияси ёзувчи ва шоирларни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндаларини, барча ижодкорларни биз учун энг улуғ, энг азиз қадрият, миллий ўзлигимиз, ор-номусимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи — мамлакатимиз мустақиллигининг ўн саккиз йиллигига бағишланган

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

анъанавий танловига таклиф этади.

Танловга «Мустақиллик биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир» деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ижодий асарлар қабул қилинади. Тақдим этиладиган асарларда Ватанимиз мустақиллигининг ўн саккиз йиллик тарихан қисқа даври давлатимиз учун ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маънавий-маърифий, ҳуқуқий соҳаларда ҳар томонлама ривожланиш ва юксалиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш даври бўлгани, истиқлол юртимизда яшайдиган ҳар бир фуқаро ўз тақдирининг ҳақиқий эгаси сифатида ўз қадр-қимматини англаб, истеъдод ва қобилиятини тўла намоён этиши учун улкан имкониятлар яратиб бергани, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этишнинг мустаҳкам замини бўлиб келаётгани чуқур очиб берилган бўлиши керак.

3 »

ДУНЁ СИЁСАТИ

Ҳамкорлик тикланмоқда



Грециянинг Корфу оролида Россия ва НАТО вакиллари ўртасида бўлиб ўтган учрашувда томонлар ҳарбий ҳамкорликни қайтадан тиклашга келишиб олдилар.

Бу ҳақда AFP мухбирига Шимолий Атлантика блоки бош котиби Яап де Хооп Схеффер хабар берди. РФ ва НАТО 2008 йилнинг августида Жанубий Осетияда юз берган нотинчликдан сўнг ҳамкорликни тўхтатиб қўйганди.

Шундан сўнг икки томон ҳам музокараларни бошлаш ҳақида баёнот берган бўлса-да, турли сабабларга кўра бу учрашувлар кечиктириб келинди. Масалан, 2009 йилнинг май ойида НАТО давлатлари ва РФ ташқи ишлар вазирлари учрашиши лозим эди. Аммо Грузияда НАТО қўшинлари машқи ўтказилгани учун Россия ташқи ишлар вазири бу учрашувга келмади.

(Дунё сиёсатига оид хабарларнинг давоми бешинчи саҳифада) 5 »

ТААССУРОТ

БИЗ ВА ХИТОЙЛИКЛАР

Бундан уч йил муқаддам Хитойда бўлгандим. Ўйлаб кўрсам, бугунги иқтисодий бўҳрон зарбаларини камайтириш учун уларнинг айрим тажриба ва анъаналарини жорий этиш фойдадан холи бўлмас экан. Зотан бу мамлакат дунёвий инқирозга қасдма-қасд ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтирмоқда ва жаҳонда биринчи ўринга чиқишга даъвогарлик қилаяпти.

Пекин аэропортидан ташқарига чиқиш билан эшик олдида табассум ила ташриф карточкаларини узатиб турган кишиларни кўрасиз. Карточкаларнинг айримларинигина олиб чўнтагингизга солишга улгурасиз ва андак нафасингизни ростлагач, уларга кўз югуртирасиз. Карточкаларга атиги бир сўз ва телефон рақами ёзилган бўлади: «Таржимон», «Ҳайдовчи», «Меҳмонхона» ва ҳоказо. Сиз энг аввало таржимонга телефон қиласиз. У зум ўтмай етиб келади ва муаммоларингизни ҳал қилиш осонлашади.

Бу узоқ йиллар давомида шаклланган сервис хизмати, албатта. Биз бу тариқа пул топишга кўникмаганмиз ёки ор қиламиз. Буюк Хитой девори устида юрганимизда бир киши автомобиль калитига тақиладиган «брилок» олишимни тавсия қилиб қолди. «Йўқ, керак эмас», — рад этдим. «Жаноб, — деди у, — қўлингизга олиб кўринг, у сизга маъқул келади». Олиб кўрсам, нарироқдан суратимни олиб, эсдалик тақинчоқнинг ичига жойлаштирган экан. Бундай ҳолатда харид қилмай иложингиз қолмайди, албатта. «Сизга совға қилмоқчиман», деди у. Аммо чўнтагига пул солиб қўйишдан ўзга чорам йўқ эди.

Самарқандга қайтгач, Регистондаги таниш суратчига бу воқеани айтиб бердим, аниқроғи тавсия этдим. Аммо бу хизматни у уддалай олмади. Сайёҳларга ҳалол, зарур хизмат кўрсатиб, уларнинг пулини ола билиш учун унда журъат ва забон етишмади. Хитой аҳолиси бир миллиард уч юз миллиондан ошди. Тасаввур қилинг, миллиарддан нарёғи ҳам Россия аҳолисидан кўп. Давлат бунча одамни қандай қилиб боқади, дейишади гоҳида. Аслини олганда эса бу мамлакатда боқимандалик йўқ ҳисоби, ҳар бир киши ўзи ва оиласини боқади.

4 »

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

САВОЛ-ЖАВОБ

НОГИРОН ФАРЗАНД ПАРВАРИШИ ИШ СТАЖИГА ҚЎШИЛАДИМИ?

1982 йилда туғилган фарзандим ёшлигидан руҳий касалликлар диспансерида рўйхатда туради. II гуруҳ ногирони.

Мен 1986 йил 15 майда Жиззах вилоятидаги Зарбдор туман марказий касалхонасига фаррош бўлиб ишга кирганман. 1992 йил 13 январда эса ўз хоҳишим билан ишдан бўшадим. Сабаби, қизим Дилфуза Жўраева руҳий ногирон бўлгани боис, унинг парвариши билан шуғулланишим керак эди. 2009 йилнинг май ойидан бошлаб қарилик меҳнат пенсиясига чиқишим керак. 6 нафар фарзандим бор. Туман ижтимоий таъминот бўлимига шу масалада мурожаат қилдим. Бу ерда менга "Болангиз 16 ёшга тўлгунга қадар парвариш қилган вақтингиз иш стажига киради. 16 ёшдан кейинги парваришингиз эса иш стажига қўшилмайди", деб айтишди. Шу тўғрими?

Фотима ЖЎРАЕВА
Жиззах вилояти.

— Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган ва 1994 йил июлдан кучга кирган "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти" тўғрисидаги қонунининг 7-моддасида фуқароларнинг ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқи белгилаб қўйилган бўлиб, унда эркаклар 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда ҳамда аёллар 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда пенсияга эга бўлиши белгиланган.

Мазкур қонуннинг 12-моддасида эса умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқи кўрсатилган. Ушбу модданинг "з" бандида беш ва ундан ортиқ фарзанд туққан ва уларни саккиз ёшгача тарбиялаган аёллар ҳамда болаликдан ногирон фарзандларнинг оналари уларни шу ёшгача тарбиялаган бўлсалар, болани парваришлаш учун кетган вақтни қўшиб ҳисоблаганда иш стажи камида 20 йил бўлса ёки болани парваришлаш учун кетган вақт қўшилмаганда иш стажи камида 15 йил бўлган тақдирда, умумий ёшни 5 йилга қисқартирган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Башарти аёл ўгай ўғил ва қизни 8 ёшга тўлгунча камида беш йил тарбиялаган бўлса, пенсия тайинлашда улар ҳақиқий фарзандлар билан тенг равишда ҳисобга олинади.

Шунингдек, қонуннинг 37-моддаси "д" бандида 1-гуруҳ ногинорига ёки 16 ёшгача бўлган ногирон болага, қолаверса, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган (даволаш муассасасининг хулосасига кўра) 80 ёшга тўлган қарияларга қараб турилган вақт ҳам иш стажига қўшиб ҳисобланиши белгилаб қўйилган.

Ф.СУЮНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги *пенсия* таъминоти бошқармаси бошлиғи.

ҲУҚУҚ

ФУҚАРО МУРОЖААТИДА ИНСОН МАНФААТИ БОР

Маълумки, ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Гарчанд Бош қомусимизда фуқароларнинг ушбу ҳуқуқи сиёсий ҳуқуқлар қаторига киритилган бўлса-да, у ўз моҳиятига кўра, нафақат сиёсий, балки ижтимоий ва иқтисодий хусусиятга ҳам эга. Зотан, фуқаронинг мазкур ҳуқуқдан фойдаланиши айни пайтда унинг иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиши ҳам мумкин. Мазкур йўналишда "Ўзбекистон Республикаси Фуқароларининг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун ҳам қабул қилинган бўлиб унинг ижроси бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан бир қатор ибратли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, келиб тушган аризаларни кўриб чиқиш, уларнинг ижросини таъминлаш, жойларда тушунтириш ишларини олиб бориш вазирлик томонидан тегишли тартибда назоратга олинган.

Жорий йилнинг бошидан то ҳозирга қадар Адлия вазирлигимизга жами 32 ариза ва шикоят келиб тушди. Масалан, Нукус шаҳри, 32- МФЙ Чиланзор кўчасида яшовчи фуқароларнинг «Нукусшаҳаргаз» филиалига газ билан таъминлашни сўраб ёзган аризалари кўриб чиқилди ҳамда бу масала бўйича «Шимолгазтаъминот» унитар корхонасига тақдимнома киритилиб, ижроси таъминланди. Бу масалада товламачиликни мақсад қилган "Нукусшаҳаргаз" филиали ходимлари К.Артиқбаев, М.Шамамбетов ва А.Қарабаевларга интизомий жазо тайинланди.

Шунингдек, вазирлигимизга келиб тушган кредит ажратиш, меҳнат ва ижтимоий масалалар, суд тизимига оид аризаларнинг барчаси ўзининг ижобий ечимини топиб, тегишли чоралар қўлланилди. Бунда ишонч телефонлари ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Масалан, Нукус шаҳрида жойлашган "РСП" МЧЖнинг раҳбари К.Ходжахметовнинг Нукус шаҳар ДСЭНМ ходими Ж.Санадованинг текширишларидан норози бўлиб ишонч телефонига қилган мурожаати ўрганиб чиқилди.

Маълум бўлишича, Нукус шаҳар ДСЭНМ бош шифокорининг 20.01.2009 йилги 20-сонли буйруғига асосан марказ ходими Ж.Санадова "РСП" МЧЖда 22.01.2009 йили режали текшириш ўтказган. Аммо аниқланган камчиликлар бўйича тузилган далолатнома текшириш жойида тўлдирилмаган ҳамда ушбу далолатнома жамият раҳбари К.Ходжахметов томонидан имзоланмаган ва нусхаси берилмаган. Далолатномани бошқа шахс имзолаган. Бундан ташқари, санитария-гигиена қоидалари ва эпидемияга қарши курашиш тартибини бузгани тўғрисида ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида тузилган баённомаларда ҳам К.Ходжахметовнинг имзоси йўқ.

Аммо юқорида кўрсатиб ўтилган хато-камчиликларга қарамасдан Нукус шаҳар ДСЭНМ бош шифокорининг 23.01.2009 йилги ЗМ/15-сонли қарори билан жамият раҳбари К.Ходжахметовга нисбатан ЎзР МЖТКнинг 53-моддасига асосан 140200 сўм миқдорида жарима солинган. Аммо жарима солиш тўғрисидаги қарор нусхаси ҳам берилмаган. Бу масала бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ДСЭНМ бош шифокорига маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорни бекор этиш тўғрисида тақдимнома киритилди ва унга асосан К.Ходжахметовни маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида ЗМ/15-қарор бекор қилинди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бир сўз билан айтганда, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг бузилишига олиб келадиган сабаблар ва шароитларни аниқлаш, унинг ечимини қаноатлантирарли даражада амалга ошириш энг асосий вазифаларимиздан бири ҳисобланади. Зеро, ҳар бир фуқаронинг мурожаатида аввало инсон манфаати туради.

Д.ХАЛМУРАТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазири.

Адлия идоралари — тадбиркорларга мададкор

Адлия вазирлигида "Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда адлия идораларининг ўрни ва аҳамияти" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Унда Адлия вазирлигининг масъул ходимлари, шунингдек оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда адлия вазирининг биринчи ўринбосари Абдуҳалим Аҳмедов сўзга чиқиб, Президентимизнинг жорий йил 15 май куни эълон қилинган "Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори юртимиздаги тадбиркорларни қўллаб-қувватлашда, уларнинг эмин-эркин фаолият юритишларида муҳим омил бўлаётгани, адлия идоралари ҳам тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш юзасидан мониторинг-назорат ишларини олиб бораётгани, жойларда юз бераётган камчиликларга барҳам берилаётгани хусусида батафсил тўхталди. Вазирликнинг тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи Шокир Саидов ва бошқарма ходимлари ҳамда ахборот хизмати раҳбари Тўрабек Тўраевлар иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Шунингдек, матбуот анжуманида журналистларга адлия органлари томонидан тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказишда, уларга банклар томонидан хизмат кўрсатилишида, лицензия беришда уларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини бузиш ҳолатларининг мавжудлиги ҳам таъкидланиб, бу борада кўрилаётган чоралар юзасидан маълумотлар берилди.

Иноможон АБДИЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

Фарғонада "Матбуот тарқатувчи"нинг янги биноси

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг касб байрами арафасида Фарғона вилоят "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонаси жамоаси ҳаётида қувончли воқеа рўй берди. Узоқ йиллардан бери ижара шароитида ва иш ҳажми учун анча тор хоналарда ишлаб келаётган жамоа замон талабларига мос тарзда қурилган ҳамда энг замонавий технологик ускуналар, мебеллар билан жиҳозланган янги бинога кўчиб ўтди.

— Биз бинони қисқа муддатда ва талаб даражасида бунёд этган Қўқондаги "Эрали" қурилиш фирмаси жамоасидан ғоят миннатдормиз, — дейди "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонаси раҳбари Муҳаббатхон Сотиболдиева.

Солиҳ ҚАҲҲОР,
"Hurriyat" мухбири.

Кончилар фарзандлари оромгоҳда

Олот нефть ва газ қидирув экспедицияси ишчи-ходимларининг 57 нафар фарзанди ёзги таътилда дам олиши учун "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компаниясининг Шаҳрисабз шаҳрида жойлашган Беруний болалар оромгоҳига юборилди.

— Мавсум давомида мазкур оромгоҳ корхона ходимларининг 200 нафар фарзандини ўз бағрига олади, — дейди корхона раҳбари Б.Мавлонов. — Болажонларнинг маданий ҳордиқ олишлари учун компания томонидан барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган.

Шавкат НОСИРОВ,
"Hurriyat" мухбири.

Сут мўл бўлади

Қашқадарё вилоят "Насл-хизмат" наслчилик бирлашмаси ходимларининг саъй-ҳаракати билан Украинадан 366 бош зотдор сигирлар олиб келинди. Ҳозир хориждан келтирилган қорамоллар "Шўртанефтгаз" унитар шўъба корхонасининг ёрдамчи хўжалигида парвариш қилинмоқда. Зотдор моллар бу ерда кўпайтирилгач, бошқа хўжаликларга сотилади.

Наслчилик бирлашмаси ходимлари йил охиригача четдан яна 700 бош қорамол келтириш, сут ва гўшт берадиган чорва моллари бош сонини кўпайтириш борасида иш олиб бормоқда.

Пўлат ГАДОЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

Шуманайда замонавий супермаркет

Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай туманида тадбиркор Бахт Қўшқоров томонидан 50 миллион сўм кредит эвазига бунёд этилган замонавий "Шуманай маркет" савдо марказининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда туман ҳокими Раҳмонберди Раззоқов бундай замонавий савдо марказини очгани учун тадбиркорга миннатдорчилик билдирди.

— Савдо маркази туман аҳолиси учун анча қулайликлар яратади, — дейди маркетолог Жалғасбой Каримбоев. — Бу ерда нақд пулга ҳам, пластик карточкага ҳам савдо қилиш мумкин. "Шуманай маркет"да кенг ассортиментдаги озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, кийим-кечаклар ҳамда атторлик моллари сотилади.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
"Hurriyat" мухбири.

ЛУҚМА

ТИББИЙ МАЪЛУМОТНОМА ХЎЖАКЎРСИНГАМИ?

Ёз — олий ўқув юртлари ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларига қабул жараёнлари қизғин паллага кирадиган мавсум. Ўқув юртига кирмоқчи бўлган ёшлар қатор ҳужжатлар билан бирга "086-У" кўринишидаги тиббий маълумотнома ҳам топшириши барчага аён. Билишимизча, ушбу ҳужжатни олиш абитуриентга кўпам осон эмас. Аввало, у тиббий текширувлардан ўтиши, ҳар томонлама соғлом бўлсагина кейин маълумотнома берилиши мумкин. Аммо айрим "уддабурон" абитуриентлар 086-У кўринишидаги тиббий маълумотномани осонгина қўлга киритиш йўлларини аллақачон топибди.

Бир танишим олий ўқув юртига кириш учун ҳужжат тайёрлаётган экан. Тиббий маълумотнома олиш учун бирга боришимни илтимос қилди. "Ярим соатга қолмай ишни битириб беришади", — деди у. Вилоятдаги туман шифохоналаридан бирининг маълумотнома берадиган жойида бизни 50 ёшлар атрофидаги аёл кутиб олди. "Медсправка керакми, йигитлар?" — сўради у. "Ҳа" деб жавоб беришга ҳам улгурмадик: "Мен тайёрлаб бераман", — деди. Унинг изидан бир хонага бордик. "Кеча жияним учун тўғрилаб қўйган эдим, исм-фамилиясини, яшаш жойини ёзмаганман". Танишим ҳам опанинг нимага шаъма қилаётганини тушуниб: "Опа, неча пул бўлади?" — деб сўради. "1500 сўм". "Узр, ёнимда 800 сўм бор эди, холос". "Ҳеч бўлмаса, 1200 сўм беринг", "Опажон, бор пулим шу" — деди танишим. "Ўртоғингиздан олиб туринг", — менга ишора қилди у. "Меҳмондан пул сўрасак, уят бўлади". Охири танишим 1000 сўм бериб, уни "рози" қилди. Опа қоғозга қўшни хонадан муҳр бостириб чиқди.

— Ҳамма текширувдан ўтдим, денг. Хўпми! — таъкидлади опа.

Афсуски баъзи абитуриентлар ҳеч қандай текширувдан ўтмай туриб "соғлом" деган ҳужжатни олишни афзал билишаяпти. Тўғри, тиббий маълумотнома олиш учун, текширувлардан ўтиш учун вақт сарфлаш керак бўлади. Лекин бу ҳар бир йигит ёки қизнинг ўзи учун фойдали-ку! Қолаверса, пул ҳам беҳудага сарфланмайди. Муҳими, соппа-соғ эканига ишонч ҳосил қилади.

Дарвоқе, баъзан тиббий маълумотномаларнинг тўғри тўлдирилмагани оқибатида абитуриентлар анча сарсон ҳам бўлишади. Хўш, "086-У" формали тиббий маълумотнома қандай берилади? У қандай тўлдирилиши керак аслида? Бу саволларга аниқроқ жавоб олиш мақсадида мутахассисларга мурожаат қилдик.

— Турли ўқув юртларига ўқишга ёки ишга кирмоқчи бўлган ўсмирларга тиббий маълумотномалар бериш, асосан, шифокорларнинг иши. Абитуриентлардан талаб этиладигани — тиббий кўриклардан ўтиши керак, холос. Бунинг учун улар ўзлари бириктирилган ҳудудлардаги тиббий муассасага боришлари лозим, — дейди шифокор О.Тўйчиева. — "086-У" формада абитуриентнинг илгари қандай хасталиклар билан касалланган, текширув пайтидаги сиҳат-саломатлиги, аҳволи ва бошқа маълумотлар (унда терапевт, жарроҳ, невропатолог, окулист) ёзилади. Шунингдек, рентген текширув натижалари, касалликларга қарши эмлаш ўтказилгани ҳақида маълумотлар қайд этилади. Сўнг муайян касб-мутахассисликка лойиқлиги ҳақида тиббий хулоса берилади. Барча текширувлар имзо ва муҳрлар билан тасдиқланади. Бир қараганда, бу анча мураккабдек туюлади. Лекин бу юқорида таъкидлаганимиздек,соғлик учун муҳим иш. Қолаверса, текширувлардан ўтиш ёш авлодда ўз соғлиғига эътибор ҳиссинини шакллантиради.

Олий ёки ўрта махсус билим даргоҳига ҳужжат топшириш — ўқишга биринчи қадамни қўйиш демакдир. Шундай экан, илм олиш учун қўйилмоқчи бўлган илк қадамлар сохтакорликдан бошланмасин-да!

Беҳзод ФАЗЛИДДИН

ТАҲРИРИЯТДАН: *юқоридаги мақолада гарчи аниқ манзил кўрсатилмаган бўлса-да, мавжуд бир салбий ҳолат ҳақида фикр юритилмоқда. Соҳага оид масъул мутасаддилар: "Ҳўш, қайси жойда шундай экан?", деб эътироз билдиришлари ҳам мумкин. Бизнингча, буни аниқлаш унчалик қийин иш эмас. Мухбирларимиз турли ўқув масканларига ҳужжат топшириш ҳаракатида бўлган абитуриентларнинг айримлари билан айнан шу хусусда суҳбатлашди. Уларнинг айтишларича, "тиббий маълумотнома" учун ҳеч қандай "текширув-пекширув"дан ўтишнинг ҳожати йўқ, "ҳақи" тўланса, маълумотнома ярим ёки бир соат ичида тайёр бўлар экан!*

Албатта, биз барча тиббий муассасаларда ҳам аҳвол шу йўсинда демоқчи эмасмиз. Аммо... шамол бўлмаса, дарахтнинг шохи бекорга қимирламаслиги ҳам маълум ҳақиқат. Айтмоқчимизки, тиббий маълумотнома бу — ўқув юртларига шунчаки хўжакўрсинга топшириладиган маълумотнома эмас, балки инсон саломатлигини тасдиқловчи ҳақиқий ҳужжат вазифасини ўташи лозим.

ОДАМ САВДОСИ

ШИРИН ЁЛҒОНГА АЛДАНГАН ЁМОН

Дунёда жиноятнинг тури кўп. Унинг иштирокчилари, ҳудуди, кўлами турлича. Аммо кейинги пайтда шундай жиноят тури яна пайдо бўлдики, у бошқа тубанликларни ҳам ўз ичига қамраб олди. У одам савдосидир. Ўрта асрларда бутун дунёга тарқалган, инсониятнинг ҳамжиҳатлиги туфайлигина барҳам берилган бу жиноят тури XX аср сўнгги ва XXI аср бошида яна шиддат билан авж олди. Сабаби — унинг ортида миллиард-миллиардлаб доллар — сармоя турибди. Жиноят қуроли эса оддий — бор-йўғи бир-икки оғиз ширин алдов. Аммо бу жиноий фаолият замирида мажбурий меҳнат, қуллик, фоҳишалик билан шуғулланишга мажбурлаш, гиёҳванд моддалар савдоси, биоинженерия каби разилона қилмишлар ҳам мужассам. Шунинг учун унга қарши зудлик билан курашиш лозим. Бу қабиҳ жиноят, аввало, энг муқаддас саналувчи инсон ҳақ-ҳуқуқларини камситади, хўрлайди.

Бундан ҳам ёмони у трансмиллий бўлиб, на ҳудуд ва на чегара танлайди. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда бу иллатни таг-томири билан қўпориб ташлашга жиддий эътибор қаратилган. Хусусан, 2008 йилнинг 17 апрелида Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни, 8 июлда эса Президентимизнинг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Мазкур ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида Бухоро транспорт прокуратураси ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда одам савдосига қарши курашиш бўйича темир йўл бекатлари ва аэропортларда бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Масалан, ўтган йилнинг 7 март куни Бухоро тармоқ ички ишлар бўлимига Қашқадарё вилояти Муборак туманида яшовчи Олим Болтаев, Бергандиқ Жўраев, Латиф Қодировлар фуқаро Илҳом Мирзаевнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан ариза билан мурожаат қилгандилар.

Маълум бўлишича, бухоролик Илҳом Мирзаев ўйлаб-ўйлаб осонгина бойиб кетиш йўлини топгандай бўлади. Бир-иккита таниши билан гаплашиб, ишни пишитиб олгач, хорижда даромадли иш бор, деб одам йиға бошлайди. Бухоронинг ўзидан иккиуч киши топгач, Қашқадарё вилоятининг Муборак туманига бориб, у ерда ҳам ўз ташвиқот ишларини бошлайди. Бу иши билан И.Мирзаев бошқа мақсадни ҳам кўзлаганди. Яъни, қилмиши фош бўлиб қолгудек бўлса, "сотилган"ларнинг қариндошлари келиб унинг ёқасидан олмайди.

Бир неча кундан сўнг каттагина маблағ туфайли чўнтаги қалпайишидан куч олган И.Мирзаев сўзамоллик билан одамларга қопқоп ваъдалар беради. Қайтишда мўмайгина пул билан келишларини, турмушлари яхшиланишини айтади. Кўпчилик бунга чиппа-чин ишониб, алдов тўрига илинади ҳам. Жиноятчи баъзи шубҳаланганларни ҳам "иш қонуний — меҳнат биржаси орқали бўлаяпти", деб ишонтиради.

Шундан кейин Илҳом Мирзаев хорижда ишлаб, унча-мунча мўмай сармоя орттиришни мақсад қилган Қашқадарё вилоятида яшовчи Олим Болтаев, Бергандиқ Жўраев, Латиф Қодиров, Қурбонмурод Бобоқулов, Бекзод Жўраев, Мурод Рўзиев, Музаффар Қўйлиев, Одил Қўйлиев, Рустам Болтаев, Ҳаким Раззоқов, Улуғбек Бобоназаров, Иброҳимжон Меликўзиев, Алибек Бобоқулов ҳамда Бухоро вилоятида яшовчи Жалол Сафаров, Дилмурод Жалилов, Фармон Хўжаков, Икромжон Воҳидов, Қаҳрамон Ҳайдаровлардан фуқаролик паспортлари билан бирга ҳужжатларни расмийлаштириш учун эллик минг сўмдан пул ҳам йиғиб олади. Аслида эса ҳеч қандай ҳужжат расмийлаштирилмаган. Жиноятчи алдов тўрига илинганларни шу йўл билан қатъий ишонтиришни ният қилганди. Фирибгарликни қаранг-а?!

И.Мирзаев юқорида номи зикр этилган жами 18 нафар фуқарони алдов йўли билан Россия Федерациясининг Ростов-Дон шаҳрига олиб бориб, ишчи сифатида сотишни мўлжаллаган эди. Бироқ, фирибгар Бухоро темир йўл шоҳбекатида вилоят ТИИБ ходимлари томонидан ушланиб, жиноий қилмишлари фош этилди.

Қилмиш-қидирмиш. Жиноятчилар жазога тортилди. Дарҳақиқат, ҳар бир қилмишнинг ўз жавоби бор. Нопок йўлнинг бошини тутган жиноятчи энди қонун олдида жавоб бериши муқаррар.

М.НАИМОВ,
Бухоро транспорт прокурори,
3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси.

Чўққига чиқиш машаққати ва шарафи

(Бошланиши 1-бетда.)

Демак, истиқлол, юртимизга келган ҳур шамоллар шарофатининг баҳоси йўқдир.

Ўтган ҳафтада мамлакатимизда кенг нишонланган матбуот аҳлининг байрами ва Президентимизнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табриги Ватанимизнинг барча журналистларини ғоятда руҳлантирди, десак муболаға бўлмайди.

Зеро, давлатимиз раҳбарининг табрикларида ҳам *матбуотимизда сўнгги йилларда ғоят муҳим янгиланиш ва ривожланиш жараёнларининг юз бераётгани, ҳаёт билан ҳамнафас бўлиб бораётгани алоҳида таъкидланди.* Қалбга ғурур бағишлагани, ҳар бир қалам аҳлида фахр-ифтихор туйғуларини жўш урдиргани шундаки, табриқда оддий журналист меҳнатига жуда юксак баҳо, катта ишонч билдирилиб, *"Бу иш ҳамманинг ҳам қўлидан келмаслигини, бунинг учун истеъдод, тинимсиз заҳмат чекиш, қунт ва изланиш зарурлиги"* алоҳида эътироф этилди.

Дарҳақиқат, журналист ҳамиша изланишдан, меҳнат қилишдан эринмаслиги зарур. Ижод машқатлари, ўқиш ва уқиш — унинг учун ҳар кунги одатий вазифаларга айланмоғи керак. Нимага деганда, бугунги ўқувчини оддий хабар ёки қуруқ тафсилот билан рози қилиб бўлмайди. Одамлар дилидаги ўй-фикрларни, мулоҳазаларни, керак бўлса, дарду ҳасратларига ҳам шерик бўлишни бу касбнинг ўзи тақозо этади.

"Баланд тоғ чўққисига чиқиш нечоғли қийин бўлса, ҳақиқий журналистнинг меҳнати ҳам шундай оғир ва машаққатли эканини ўзимга яхши тасаввур қиламан".

Мамлакатимиз раҳбарининг бу каби самимий эътирофларидан фахрланмай, кўнгил тўлқинланмасдан бўладими? Ахир, бу фикрлар ҳар бир журналистни янада кўпроқ меҳнат қилишга, шу юрт, шу эл манфаати учун чин юракдан ижод қилишга ундайди.

Албатта, дунёда касблар кўп. Уларнинг ҳар бири ҳам керакли ва ўз соҳиблари учун янада ардоқлидир. Масалан, шифокорлик касбини олайлик. Эл-юртга сиҳатлик улашиш, одамлар саломатлиги учун жон куйдиришдан ҳам заруррок, фойдалироқ иш бормикан дунёда? Аммо шифокор — инсонни дарддан халос этиш учун курашса, ҳақиқий журналистнинг вазифаси жамият дардини, ҳаётдаги айрим тўсиқларни, салбий иллатларга қарши муросасиз бўлишини тақозо этади.

Демак, журналистларни ҳам қайсидир маънода жамият "табиблари" деб атасак ўринсиз бўлмасди. *"...Шу юрт меники, шу заминдаги ютуқ ва ўзгаришлар ҳам меники, лекин ҳаётимиз, тезкор тараққиётимиз йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга биринчи навбатда мен дахлдор ва масъулман, деган эзгу интилиш матбуот аҳлига ярашадиган энг муносиб фазилатдир".*

Дархақиқат, дахлдорлик ҳисси, куйиб-ёниш ва курашчанлик фазилати матбуот ходимининг алоҳида хислати бўлиши керак. Юртбошимиз журналист аҳлини ЖАСОРАТ ВА КАТТА ЮРАК билан меҳнат қилишга ундамоқда.

Зеро, ғурур билан яшайдиган, Ватани, халқи учун фидойи бўлиб умрини бағишлайдиган инсонлар, шу жумладан, қалам аҳлини *"ўзимга энг яқин инсонлар деб биламан"* деган меҳрли сўзлар ижодий жасорат билан фаолият юритишимизни тақозо этади. Катта ишонч ва масъулиятни, ўйлаймизки, диёримиздаги ҳар бир журналист — ҳар бир матбуот ва ОАВ вакили қалбдан чуқур ҳис этмоқда.

А. ПАРДАЕВ

ФИКРИНГИЗГА ҚЎШИЛАМАН

КИТОБ — МАЪНАВИЯТ КАЛИТИ

Таниқли журналист, ношир Аҳрор Аҳмедовнинг "Hurriyat" газетасининг шу йил 17 июндаги 25-сонида чоп этилган "Энг буюк кашфиёт ёки бугунги китобхонлик ва ноширчилик хусусида" деб номланган мақоласида долзарб мавзу кўтарилган.

Зеро, биз боболардан китобни нон каби эъзозлаб, тоқчада сақлашга, уни оёқ остида ётишига йўл қўймасликка ўрганганлар авлодимиз.

Ҳалқимизнинг билимга чанқоқлиги муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" номли китоби нашрдан чиққанида яна бир карра ўз исботини топди. Мазкур китоб нашрдан чиқиши биланоқ эл орасида истаб ва излаб ўқилди ва ўқилмоқда. Оламолам озуқа олинди. Етилиб турган тушунчалар тугуни ечилди. Маънавият кўзлари очилди. Бундай мисолларни кўп келтириш мумкин.



Китоб ва китоб савдоси муаммоси ҳақида мақола муаллифининг куюнганича бор. Шу кунларда китоб ёзган ҳам, уни нашр этган ношир ҳам кўмакка муҳтож.

Яқинда шоир дўстларимиздан бирини меҳмонга таклиф қилдим.

— Бора олмайман, — деди у хижолат чекиб.

— Нега, бироз кўнгил ёзиб қайтасиз, юраверинг, сиз ҳам таклиф қилинган сиз, — дедим ҳайрон бўлиб.

— Сиз таклиф қилган жойга фалон нашриётнинг директори ҳам бориши аниқ. У кишига ваъда бериб, китобимни чоп эттиргандим. Фалон сўм қарзим бор. Бир йилдан ошди. Китобимни эса сота олмаяпман. Туманма-туман кезиб чарчадим. Бир томондан йўл харажати, иккинчи томондан нашриёт қарзи. Умуман юргилигим қолмади, дўстим, менга узр, — деди.

— Менга ўхшаб китоб чиқармай юрганингиз маъқул экан, — дедим кулгига олган бўлиб.

Очиғини айтганда, китобини ўз ҳисобидан нашр эттириб, сотолмай оворай сарсон бўлиб юрган дўстимга ачиниб кетдим.

А.Аҳмедовнинг мақоласидан маълум бўлаяптики, ноширларга ҳам осон эмас экан.

...Ношир ҳақ. Нашр этишга арзийдиган китоблар кўп. Масаланинг "аммо"сини ўйлаб кўрадиган вақт эса ўтиб кетаяпти. Ахир маънавиятнинг калити — китоб эканлигини ҳаммамиз биламиз-ку! Маънавий озуқа олмаган китобхон, қуввати йўқ дарахтга ўхшаб қолмайдими?!

Қолаверса, чоп этилаётган китобларнинг таннархи ҳақида ҳам жиддий ўйлаб кўриш керак. Уч минг сўмдан зиёд нарх ошиқча! Бир оила ҳар ойда битта бадиий адабиёт сотиб олса ҳам катта гап...

Хуллас, китоб ва китоб савдоси соҳаси ҳам моддий, ҳам маънавий эътиборга муҳтож бўлиб турибди.

Халқимиз фаровонлиги, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини янада ошириш йўлида амалга оширилаётган буюк бунёдкорлик ишлари қаторида жаҳон андозалари даражасида кўркам ва сифатли китоб нашр этишга эришилаётган бир пайтда, маънавиятимиз калити — китоб ҳар бир китобсеварнинг қўлига бориб тегишини таъминлаш учун яқин келажакда ушбу муаммоларнинг ҳал этилишига тилакдошмиз.

Ўктам МИРЗАЁР,
журналист.

Таҳририятга хатлар

Айбсиз айбдор бўлдик...

Музработ тумани марказидаги 6-умумтаълим мактабида бир неча йилдан буён директор бўлиб ишлайман. Ҳозир нафақага чиқиш арафасидаман. Авваллари ҳам айрим ноҳақликлар билан юзма-юз келган бўлсам-да, шу йилнинг 24 май кунидагидек ҳеч қачон хуноб бўлмаган эдим. Ўша куни ўғлимнинг машинасида набираларим билан жами 5 киши Қашқадарё вилоятида меҳмондорчиликда бўлиб, уйга қайтиб келаётган эдик. Давлат рақами 18 АС 236 "Нексия" русумли автомашинада И.Сайқонов деган ЙПХ ходими Қарши — Муборак постидан ўтганимиздан сўнг, изимиздан қувиб келдида тўсатдан, бизларга таҳдид қилиб, постга қайтишимизни талаб қилди. Ваҳоланки, у бизга тўхташ ҳақида ҳеч қандай ишора қилмаганди. ЙПХ ходими машинани бошқариб келаётган ўғлимга куч ишлатди ва бундан набираларим қўрқиб, йиғлаб юборишди. Ноилождан постга қайтиб бордик.

И.Сайқонов машинамизнинг ҳамма жойини текшириб, тақиқланган ёки қонунга зид ҳеч нарса топа олмагач, ҳужжатларни текшира бошлади. Бундан ҳам бирор камчилик тополмагач, зўрма-зўракиликдан "тезликни оширгансанлар" деб "айб" қўйди. Кейин ўғлимнинг ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб қўйиб, акт варақасига мажбуран имзо чектирди. "Агар қўл қўймасаларинг, техпаспортларингни ҳам олиб қўяман" — деб дағдаға қилди. Кейин бироз юмшаб, ўғлимни сал четга тортди-да, ҳужжатни қайтариб олиши учун 50 000 сўм сўради. Ўғлим айни пайтда бизда бунча пул йўқлигини айтганидан кейин тутоқиб кетган ЙПХ ходими ўз одамийлигини умуман йўқотди. Милиция формасида эканини ҳам унутиб, оғзига келганини қайтармади.... Меҳмондорчилигимизни "бурнимиздан" чиқарди.

Шунча йилдан буён халқ таълими тизимида ишлаб, бунақанги қўпол муомалали одамга дуч келмагандим. Наҳотки, милиция ходимларига муомала маданиятини ўргатишмаса? Ушбу соҳани тартибга соладиган мутасадди идоралардаги раҳбарлар бу масалага жиддийроқ эътибор қаратишса, яхши бўларди.

И.ХОЛТЎРАЕВ
Сурхондарё вилояти.

Кийим инсоннинг кимлигини белгиламайди

Яқинда коллежимизда "Йилнинг энг яхши битирувчиси" кўрик-танлови ўтказилди. Унда совринли ўринга сазовор бўлган Назокат исмли қизнинг кийган марғилон атласи, бошидаги дўпписи, майда ўрилган сочлари ҳайъат аъзолари ва танлов томошабинларининг олқишига сазовор бўлди. Ўша лаҳзаларда мен ҳам миллий кийим юракка нақадар яқин бўлишини яна бир бор ҳис қилдим.

Шундай яхши кайфиятда юрган кунларимда севимли нашрларимдан бири "Hurriyat" газетасида (2009 йил 10 июнь сони) "Либос — ўзлик белгиси" деган мақола эълон қилинди. Унда айни кўнглимда кечаётган, мени ўйлантираётган мулоҳазалар ёзилган экан. Коллежимиз директори, педагогика фанлари номзоди Маҳмуджон ака Камолиддинов ҳам ўша мақолани кўрсатиб, жуда долзарб масалани кўтариб чиқишибди, биз ҳам албатта, шу мавзуда талабалар иштирокида давра суҳбати ўтказишимиз керак деб қолди. Йиғилишга юқорида номи тилга олинган мақола ва унда таъкидланган қуйидаги фикрлар асос бўлди: "Муқаддас динимизнинг асл моҳиятини бузиб, нотўғри талқин этадиган баъзи бир кимсаларнинг хижоб кийиш кераклиги ҳақидаги фикрлари аслида пуч, миллийлигимизга ва динимизга ҳам ҳеч қандай алоқаси йўқдир". Тадбирда талаба-қизлар шу хусусда ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олишди. Ўша куни кўнглимдан кечаётган мулоҳазаларни қоғозга туширишга қарор қилдим.

Қизларимизнинг атлас ва адрасдан тикилган миллий кийимларда кўчаларни тўлдириб юришига нима етсин.

Фотимахон УРАИМОВА,
Асака педагогика коллежи ўқитувчиси, II даражали "Соғлом авлод учун" ордени соҳибаси.

Дўстликка хиёнат

Ўтмишдан маълумки, 1898 йилги Андижондаги миллий озодлик ҳаракатининг етакчиси Дукчи Эшон (Муҳаммад халфа Собир ўғли)ни Қодирқул ва Ёқуббеклар Тошкўприк деган жойда ҳийла билан қўлга туширишади. Эшон ўз биродарларини кўриб, уларга қучоқ очганда, сотқинлар уни йиқитиб, оёқ-қўлини боғлаб, душман қўлига топширади.

Терговчи ва миршабларнинг ҳар қанча калтаклаши, азоблаши ва хўрлашига қарамасдан Дукчи Эшон бирор оғиз гап ҳам айтмайди. Уни дорга осишади, кейин ўша жойнинг ўзига кўмиб, устидан оҳак тўкишади. Ўша куни мадраса толиби сифатида қатл маросимига мажбуран олиб борилган Фозилбек Отабек ўғлининг ёзишича, "Ибрат ул ғофилин"дек асар ёзиб, халқ фаровонлиги ва озодлиги йўлида жонини нисор этган Дукчи Эшон ўша тариқа мардонавор жон беради.

Мустамлакачилар "хизматлари" учун Қодирқулни эски шаҳар (Андижон)га оқсоқол, Ёқубни мингбоши этиб тайинлашади. Қодирқул бечора халқни кечаю-кундуз тинимсиз ишлатиб, бир ой ичида шаҳардаги ҳашаматли иморатини битиради. Ҳоким тўраларга энгашиб салом қилмаганларни калтаклаш тартибини ўрнатади. Бундан ўрганиб, рус амалдорлари ҳам оддий фуқароларни "руку" ва "сажда" кўринишида салом беришга мажбур қиладиган бўлишади. Бечора халқ шапкали кишининг соясини кўрса ҳам ўрнидан туриб, сажда қилишга одатланиб қолади.

Аммо ҳақ барибир қарор топади. Бу икки сотқинни Дукчи Эшоннинг қарғиши уради. Бири умрининг охирида ичкиликка ружу қўйиб, ўз боласи томонидан ўлдирилса, иккинчиси ақлу ҳушини йўқотиб, савдойи-бўлиб қолади. Тарбиявий аҳамияти катта бўлган бундай ҳикоялар нафақат тарихимизни ойдинлаштиришга ҳисса қўшади, балки ёшларимизда ватанпарварлик туйғуларини ўстиришга хизмат қилади. Шу боис, ўтмишимизни чуқурроқ ўрганиб, ундан сабоқ олишимиз ҳамиша керак деб ўйлайман.

Турсунали ЮСУПОВ
Фарғона вилояти.

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

(Бошланиши 1-бетда.)

Шунингдек, эълон қилинган материаллар мустақиллик йилларида бой тарихимиз, бетакрор меросимиз, урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тикланганини, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш, ёш авлод онгу шуурига Ватан тақдири ва келажагига дахлдорлик туйғусини сингдириш сингари мезонлар ҳаётимиздан чуқур ўрин олиб бораётганини, қатъий танлаб олган миллий тараққиёт йўлимиз асосида барча соҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар изчил давом эттирилаётганини, ижтимоий дастурларнинг ижобий самараларини тараннум этиши, энг муҳими, юртимизнинг жадал тараққиётини, халқимизнинг фаровон ҳаётини, диёримизнинг бутун дунёда обрў-эътибори тобора юксалаётганини мамлакатимизда ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилишга қаратилган бўлиши зарур.

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»
танлови қуйидаги номинациялар
бўйича ўтказилади:

— ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари;

— босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;

— телевидение ва радио ижодкорларнинг материаллари;

— тасвирий санъат асарлари;

— кино санъати асарлари.

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

— муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;

— муаллиф паспортининг нусхаси;

— иш жойидан тавсиянома;

— муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг ўн саккиз йиллиги байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар **«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»** танловига деб кўрсатилган ҳолда 2009 йилнинг 10 августига қадар қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси,
Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси

Телефонлар: (8.371)244-32-33;
244-64-61; 244-11-64;

МАКУЛАТУРАДАН ОЛИНГАН АСАРЛАР

ҳисобига маҳаллада янги кутубхона ташкил этилди

Яқинда бир танишимникида меҳмонда бўлгандим. Ҳашаматли уйнинг дид билан безатилган хонасидаги китоб жавонига бир-биридан чиройли китоблар териб қўйилган. Китобларнинг асосий қисми рус тилида эди.

— Бу китобларнинг қайси бирини ўқигансиз, — сўрадим ҳавасим келиб хонадон соҳибидан.

— Китоб ўқишга вақт қаёқда дейсиз. Улар шунчаки жавоннинг кўрки. Уйдагилар ҳар ҳафтада бир марта чангини артиб қўяди...

Китоб — бебаҳо бойлик. Унинг қадрини, аҳамиятини китоб ўқиган одамгина билади. Зотан, кўп мутолаа қилган инсон ҳар қандай даврада ўз илми ва дунёқараши билан суҳбатдошларини ўзига ром қила олади. Одатда билимли одамнинг дўстлари ҳам билимли бўлади. Китоб ўқимаганлар эса илмли инсонлар даврасида ўзининг саёз фикрлари, бемаъни гаплари билан ўтирганларнинг энсасини қотиради. Албатта, бу масаланинг бир томони... Лекин яна бир муаммоли томони ҳам борки, бу китобларнинг тарқатилиши масаласидир.

Хўш, бугун китоблар қандай тарқатилмоқда? Улар ўз харидорларига етиб бораяптими? Ёки қандай сотилмоқда? Афсуски, китобларнинг тарқатилиши ҳақида ижобий фикрларни айтолмаймиз. Чунки бугун баъзи муаллифларнинг ўзи кўчама-кўча юриб китобини сотмоқда. Уларнинг бахтига мактаблар жамоалари ва ҳожатбарор директорлар омон бўлсин, ишқилиб. Фақат уларгина китобнинг қадрига етади, китоб сотиб олади. Ҳолбуки бошқа ташкилот ва идораларда гўё пул йўқдек. Қизиқ, ҳам китоб ёзасан, ҳам уни чоп этиш учун нашриётга анчагина пул тўлайсан. Кейин яна уни ўзинг сотишинг керак. Илгари китоб савдоси билан шуғулланадиган алоҳида ташкилотлар бўларди. Ҳозир улар қаерга ғойиб бўлди?

Мустақилликдан олдин Оҳангарон шаҳрининг ҳозирги деҳқон бозори рўпарасида туман матлубот жамиятига қарашли яхшигина китоб дўкони бўларди. Кейинчалик бу бино бузилиб кетди, бироқ янги китоб дўкони учун Оҳангарон шаҳридан бирор жой ажратилмади. Бундан бир неча йил муқаддам истеъдодли шоир Аҳмад Муҳитнинг китоб дўкони очаман, деб шаҳар ва вилоятда тақиллатмаган эшиги қолмади. Ҳозир шаҳримизда турли озиқ-овқат ва кийим-кечак моллари билан савдо қилувчи дўконлар ҳамда қаҳвахона-ю, чойхоналар болалаб кетган. Лекин...

"Оҳангароншифер" ҳиссадорлик жамиятида бугунги кунда шинам кутубхона бор. Бу зиё масканида техник адабиётлардан ташқари бадиий, ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий адабиётлар ҳам мавжуд. Корхонада тез-тез китобхонларнинг конференциялари, таниқли шоир ва ёзувчилар ҳамда олимлар билан учрашувлар ўтказиб турилади. Кейинги пайтларда ходимларнинг тавалуд айёми муносабати билан шарқ мумтоз шеъриятининг тўпламларини ҳадя қилиш одат тусига кирди.

Аммо бошқа жойларда китобга муносабат нечоғлик? Шаҳримиздаги "Сантехлит", "Стройпластмасса" комбинатлари бозор иқтисодиёти талабларига жавоб беролмай, таназзулга юз тутди. Уларнинг бой кутубхоналари бор эди. Мазкур кутубхоналар ҳозир қандай аҳволда экан? Китоблар макулатурага топшириб юборилмадими? Бундан уч йилча муқаддам "Оҳангароншифер" ҳиссадорлик жамияти раҳбарлари "Сантехлит" заводининг кутубхонасини ўз қарамоғига олишни сўраб корхона мутасаддиларига хат ёзишди. Аммо корхонани тугатиш комиссияси раиси, шаҳар солиқ қўмитаси масъул ходими М.Бойсариев турли баҳоналар билан бу эзгу ишни пайсалга солди. Афсуски, бу одамнинг айби билан китоблар ҳанузгача (агар улар сақланиб қолган бўлса) чанг босиб ётгандир?

Яқинда "Оҳангароншифер" ҳиссадорлик жамияти касаба уюшмаси Оҳангарон шаҳридаги ахборот-ресурс марказига икки юз минг сўмлик китобларни туҳфа қилди. Марказ ходими уч кундан сўнг қувонч билан қўнғироқ қилди. Қарангки, марказга янги китоблар келганини биринчи бўлиб болалар эшитишибди. Болалар эртак китобларнинг ҳаммасини уйида ўқиш учун олишибди. Ажойиб! Яна биз болаларимиз китоб ўқимай қўйди, деб ташвишланиб юрибмиз. Йўқ, китоб ўқийдиган одам ҳар қандай шароитда ҳам уни топиб ўқийди. Яна бир гап: шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли кутубхоналардаги китоблар сони қирқ минг, ахборот-ресурс марказидаги китоблар эса эллик мингдан зиёд. Кейинги икки-уч йил ичида давлат ва маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотларнинг ушбу маърифат масканларига бирор дона китоб сотиб олиб бермагани бироз таажжубланарли ҳолдир.

Яқинда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — ЎзЛиДеПнинг Оҳангарон шаҳар кенгаши раиси Шавкатбек Комилов куюниб бир воқеани гапириб берганди. Зиёли кишилардан бири вафот этгач, унинг тақдир тақозосига кўра ҳозирги пайтда Россияда яшайдиган қизи келиб, отасининг бой кутубхонасини макулатурага топширибди. Буни эшитган Шавкат Комилов ва журналист Алишер Комилхонов зудлик билан макулатура қабул қилиш шохобчасига боришибди. Қарашса, ҳаммаси нодир асарлар, улар дарров бу ерга келтирилган китобларнинг пулини тўлаб, "Илоқ" маҳалла қўмитаси биносига олиб келишибди. Шу китоблар ҳисобига маҳаллада янги кутубхона ташкил этилибди.

Озод ХУШНАЗАРЗОДА,
Оҳангарон шаҳри.

КЎЗГУ

БИЗ ВА ХИТОЙЛИКЛАР

(Бошланиши 1-бетда.)

Эртасига меҳмонхонадан чиққанимизда велосипедини рикшага айлантириб олган ўсмир қиз-йигитчалар эътиборимни тортди. Уловини роса безаган, икки кишига мўлжалланган орқа ўриндиққа бахмал кўрпачалар тўшаган қиз менга яқинлашиб алланималар деди. Мен умид билан таржимон томон ўгирилдим. «Ўртоқ, келинг, шаҳримизни айлантираман, пул бермасангиз ҳам майли», — деяётган экан. Набирам тенги бир қизнинг аравачасида бемалол ўтириш табиатимга зид эди, албатта. «Яхшиси сен ўтириб ол, мен ҳайдайин», — дедим. Таржимадан кейин ҳалиги қиз маза қилиб кулди. Хуллас, уёқ-буёққа қараб, таниш-билишлар йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, (гарчи Хитойда бўлсак ҳам, бу ерда ҳам танишлар кўпдай туюларканда) таржимон иккаламиз орқага ўтиб ястаниб олдик. Рикша серқатнов машиналар оралаб олдинлаб кетди. Енгилгина хавотир аралаш шаҳарни томоша қила бошладик.

Йўлда тағин бир ибратли ҳол рўй берганини таъкидлаб ўтишим керак. Кўчанинг нариги бетида иккита рикша тўқнашиб кетди. Рикшачилар бир-бири билан зиддиятга бормай, туша солиб бир-бирининг велосипедини тузатишга киришишди. Бизнинг рикшачимиз ҳам велосипедини тўхтатиб, биздан узр ва изн сўраб ёрдамга шошилди. Шаҳарни айланиб, меҳмонхонага келгач, ҳалиги қизга уч доллар узатдим. У ҳолу жонимга қўймай икки долларини қайтариб берди.

Саёҳат давомида кўпроқ қишлоқ ҳаёти билан қизиқдим. Пекиндан Буюк Хитой деворигача бўлган масофа миллий боғга айлантирилган экан. Ана шу дарахтзорлар орасида бир неча уйларни кўриб, ўша томонга бурилдик. Бу ерни қишлоқ деб ҳам бўлмасди. Ҳаммаси бўлиб ўнга яқин хўжалик истиқомат қиларкан. Асосий юмушлари боғга қоровуллик қилиш экан. Уйлар ёғочдан қурилган, пастак. Ҳовли сатҳи ҳам каттароқ хона ҳажмида. Бирорта уйда автомашина кўринмайди, ҳамма велосипед минаркан. Биз кирган хонадон соҳиби қоровулликдан ташқари бедана тухуми ҳам етиштираркан. Уни аллақандай ресторанга олиб кетишаркан. Мезбон йўқ дейишимизга ҳам эътибор қилмай, бедана тухуми қовуриб келди, соя қайнатмаси билан сийлади.



Ҳамроҳларим ветеринария дори-дармонлари савдоси билан шуғулланадиган кишилар эди. Улар сабаб бўлиб, шаҳар чеккасидаги фармацевтика корхонасига ҳам бордик. Бу ерда асосан йигит-қизлар ишлашаркан. Тушлик пайти бўлгани учун бизни ошхонага таклиф қилишди. Ишчилар вақтни қизғанишганидан бўлса керак, тикка туриб тушлик қилишарди. Бизни эса стол безатилган алоҳида хонага олиб киришди.

Энди мавзудан бироз чекинсак. Мен дунёнинг бир неча мамлакатларида бўлдим ва меҳмондўст бўлмаган халқ йўқ экан, деган хулосага келганман. Аммо ҳар бир халқнинг меҳмондорчилик таомиллари ўзига яраша. Шунинг учун ҳам «Биз дунёдаги энг меҳмондўст халқмиз» дейишдан тийилишимиз керак назаримда... Чунки бу гапни бошқалар айтгани маъқул.

Фармацевтика корхонасининг раҳбари ўрта ёшлардаги аёл экан. Журналист эканлигимни эшитиб, мен билан кўпроқ гурунглашди. У Самарқанд, Бухорода бўлган экан. Обидаларимиз ва одамларимиз ҳақида илиқ гапларни айтди. Мени эса унинг тадбиркор ва ишбилармонларимиз ҳақидаги фикр-мулоҳазалари кўпроқ қизиқтирарди. Айтишича, у Самарқанд ё Бухорода чорва моллари учун дори-дармон ишлаб чиқарадиган корхона ташкил этмоқчи бўлган экан, аммо бу режаси ҳозирча амалга ошмабди.

— Кўпгина тадбиркорлар топган маблағларига аввал чет машинасини олиш, ҳашамдор иморат қуришга сарфлашаркан, — деди у, — аммо энг аввало ишлаб чиқаришни кенгайтириш керак. Қолгани кейин ҳам бўлади.

Ибратомуз гап. Самарқандда шу тариқа иш юритиб, синган анча-мунча тадбиркорларни биламан.

— Фарзандингиз нечта? — сўраб қолди у бир маҳал.

— Бешта. Уч ўғил, икки қиз, — жавоб бердим.

Шундан кейин суҳбатимиз қовушмай қолди. Чунки аёл ногаҳонда кўзига ёш олди. Маълум бўлишича, атиги бир қизи бўлиб, у ҳам касал экан. Ачиниб кетдим бояқиш аёлга ва бизда инсон ҳуқуқларини чеклайдиган қонунлар йўқлигидан ички бир мамнуният туйгандай бўлдим.

Хитойдан бир тажрибани ўрганиб келиб, аввало, ўз уйимда жорий этганим ва эндиликда таниш-билишларни ҳам тарғиб қилиб юрганимни айтиб ўтишим керак. У ерда корхона, идора ва хонадонлардан 100-200 Вт кучланишга эга бўлган волфрамли лампалар аллақачон истеъмолдан чиқиб кетган, унинг ўрнига бешолти баравар кам энергия талаб қиладиган спиралсимон неон лампочкаларга ўтишган экан.

Атиги бир лампа ҳисобига электр энергиясини 5-6 баробар тежаш мумкинлиги ва бу оила, мамлакат бюджетига қанчалик фойда келтиришини ўйлаб кўрганмисиз? Баъзида электр энергиясининг танқислиги сезилиб қолади. Шахсан ўзим ўтган қиш ойларида бир неча қишлоқларда бўлиб, мактаб ва коллежларга давлат томонидан катта маблағлар сарфланиб олиб берилган компьютерларнинг ҳар доим ҳам ишлатилмаётганини кўрдим. Агар ёппасига кам энергия талаб қиладиган лампаларга ўтсак, бундай муаммога бироз бўлса-да барҳам берган бўлармидик.

Самарқандда Хитой ва Туркиядан келтирилган 15-25 Вт кучланишли замонавий спиралсимон лампалар кўплаб сотилмоқда. Шахсан менинг хонадонимда улар икки-уч йилдан бери куймай нур сочаяпти. Мана сизга оддий арифметика: атиги бир дона лампани алмаштириш билан қанча маблағни тежаш мумкин.

Хомаки ҳисоб-китобларимга кўра, "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси ҳамда унинг жойлардаги бўлинмалари ўз маблағидан бўлса ҳам барча корхона, муассаса, хонадонларга кам қувват талаб қиладиган ана шундай лампалар ўрнатса, бу харажатни атиги уч-тўрт ойда қоплаш мумкин экан. Шундай қилинганда қанчадан-қанча табиий газ, мазут, кўмир тежалади.

Хитойлик бир тадбиркор Самарқанд бозоридан икки жуфт жияк харид қилган экан. Аёллар уйда қўлда тўқийдиган, лозимини чиройли қиладиган жўн жияк. Йўқ, хотинига совға қилиш учун эмас. Юртига қайтгач, жияк тўқийдиган ускунани ишга тушириб, бизнинг бозорларимизни арзон, сифатли, жиякларга тўлдириб ташлади. Кейин ўша тадбиркор ишбилармонларимизга жияк тўқийдиган станокларни сотди. Аммо бизникилар уни кўнгилдагидек ишлатишолмади. Ҳозир ҳам Хитойдан жияк олиб келиш давом этаяпти...

Мен Хитойда кўрганларим тўғрисидаги таассуротларимни ҳикоя қилдим. Уларнинг маъқулларини амалиётга жорий қилсак, фойдадан холи бўлмасди, деб ўйлайман.

Нусрат РАҲМАТ

АВВАЛИ

КУЧЛИ БИР САНЪАТКОРИМИЗ

Амир Бухоросида мусиқачиларга жуда тубан назар билан қарарлар, машҳур-машҳур чолғучиларимиз ҳамма вақт амирнинг эшигида ярим оч-яланғоч бир ҳолда кечиналар, ниҳоят сил касалига учраб ўларлар эди.

Халқ руҳан ҳеч бир суратда озиқлана олмасди. Амир ("Худо" кўланкаси) кеча-кундузини базм билан ўтказгани ҳолда халқнинг мусиқа тинглаши, муллаларча айтғонда, "истимоий мусқи — ҳаром" эди.

Уста чолғичилар кўпинча эътиборсизлик туманлари орасида қолиб кетилар эдиким, шундай бир заминда музиканинг ўсуши мумкинми?

Амир халқни ёлғиз сиёсий, иқтисодийғина эмас, ҳар томондан эзди. Мана шу эзилишлар остидан инқилобдан сўнг қутулғонлардан бири, шубҳасиз, Ота Жалол бўлди. Унинг мусиқамизни тиргизиш, куйларимизнинг асосий таснифларидан бўлғон "Шашмақом"ни нотаға олдиришда хизмати каттадир.

Ота Жалол "Шашмақом"ни тафарруоти билан биларди. У мусиқашинос бир зотди(р). Ундан мусиқамиз хизматлар кутар экан, кўз юмуши оғир, жуда оғир сезилди...

Ота Жалолдан кейин танбур соҳасида мумтоз ўрун тутқонлардан бири Ҳожи Абдураҳмон Умарифдир... Ҳозирда мусиқа институтининг танбур муаллими.

Ҳожининг мозийси шундай: у бир яшар экан, отасидан ажралғон. Бухоронинг донгли мусиқачиларидан бўлғон амак(и)лари Мирза Шамслар тарбиясига ўткан. Тўққуз яшар экан, танбурнинг мушкилот қисмини ғуборсиз, жуда ғуборсиз чалатурғон бўлиб, бир оз замонда ўзини шуҳрат ёғдулари билан кўрсата олғон.

Ҳожининг отаси ҳам замоннинг уста чолғучиларидан экан. Амир Музаффарнинг рикобини хоҳламай қочғон. Ҳиндистон орқали Истанбулға сафар этканда, ўлган.

Айни ҳол, Ҳожи Абдураҳмоннинг-да бошиға булутларини ёя бошлаған амир Музаффардан кейин амирликға қўнғон Абдулаҳад Ҳожини чақирғон. Бироқ... амир рикобиға ўткач, "сил"дан бошқа ўнум йўқлиғини яхшиғина билгани учун қабул этмаган-да, Афғонистонға қочғон. Бир неча вақтдан кейин Кушка орқали қайтиб Марвга, пахта зовудиға кириб икки ярим йилча қадар тикувчилик — тойчилиқ билан кунини кўрган. Кейинлари Наманган шаҳрига келиб яна пахта зовудида ишлаган.

Хулоса, Абдулаҳаднинг ўлуши биланоқ яна Бухоро(га) қайтиб ўзи бечорачиликига киришкан... Ҳожи Абдураҳмон танбурни жуда яхши чалади. Унинг санъати шундаким, тирноғидан учатурғон наво силсилалар бир эҳтизоз (тўлқун) билан узаниб, рақс этиб кетади. Иккинчи бир нафис тўлқун билан йўқолади...

Н.РАҲИМИЙ
"Аланга"журнали, 1929 йил, 8-9-қўшма сон, 27-бет.

Изоҳлар: ***"Худо" кўланкаси*** *— подшолар худонинг ердаги сояси, деган нақл назарда тутилади. Худо сўзининг қўштирноқ орасида ёзилишига сабаб, шўро даври атеистик ақидасига кўра, худо аслида йўқ, лекин бу сўз шароит тақозосига кўра ишлатилмоқда, деган маънони англатиши керак бўлган.* ***Муллаларча айтқонда, "истимоий мусқи — ҳаром"*** *— "муллаларча" сўзи икки маънога эга: 1. Муллалар мадрасаларда таҳсил олишгани учун деярли ҳар бир ҳодисани арабча ёки форсча атама, иборалар аралаштирган ҳолда ифодалашган, "истимоий мусқи — ҳаром" ибораси матнда хато ёзилган бўлиб, аслида, арабчада "истимоъ ул-мусиқа — ҳарамун", оддий халқ тилида "куй тинглаш — ҳаром" дегани; 2. Мазкур шаръий ҳукмни муллаларгина чиқариши мумкинлигига ишора.* ***"Шашмақом"ни нотаға олдиришда хизмати каттадир*** *— Бухоро "Шашмақом"ининг ашула ва куйларини 1923 йили бастакор В.Успенский Ота Жалол Носиров ижросида нотага ёзгани ва 1924 йилда уни нашр эттиргани назарда тутилади.* ***Ундан музикамиз хизматлар кутар экан, кўз юмуши оғир...*** *— бунда Ота Жалолнинг 1928 йили 83 ёшида вафот этиши муносабати билан муаллифнинг надомати акс этган.* ***Тафарруот*** *— майда бўлаклари; бу ерда "миридан-сиригача" маъносида.* ***Мозийси*** *— ўтмиши.* ***Рикоб*** *— узанги, кўчма маънода: подшоҳ ҳузури.* ***Н.Раҳимий*** *— Бухорода таваллуд топган шоир Насриддин Раҳимий (1900-1945). XX асрнинг 20-йиллари охирида "Қизил Ўзбекистон" газетасининг адабиёт бўлимида ишлаган, адабий-танқидий мақолалар ҳам ёзган. Унинг танқидчи сифатидаги иқтидори мазкур газетанинг 1929 йил 23 августида босилган "Ойбек ўсганми?" мақоласида яққол кўринади.* ***"Аланга" журнали*** *— ўзбек янги алифбе марказий қўмитасининг нашри, Ўзбекистонда араб алифбеси асосидаги ёзувдан лотин ёзувига ўтиш даврида хизмат қилиш мақсадида ташкил этилган журнал бўлиб, 1928-1930 йиллари чиққан.*

Нашрга тайёрловчи Бойбўта ДЎСТҚОРАЕВ.

БУГУННИНГ ГАПИ

Электр ҳақини ўз вақтида тўлайлик

Ҳаётимизни электр энергиясисиз тасаввур қилиш қийин. Аммо айримларимиз уйларимизни чароғон этаётган, турмушимизга яраётган бу бебаҳо неъматнинг ҳақини вақтида тўламаймиз, бесамар ишлатамиз, исроф бўлишига йўл қўямиз. Ногаҳонда хонадонимизда чироқ ўчса эса, ичимиз сиқилиб, кимнидир айблай бошлаймиз. Ваҳоланки, қачондан бери электр энергиясининг ҳақини тўламаганимиз эсимизга ҳам келмайди...

Шу ўринда айтиш жоизки, истеъмолчиларга узлуксиз электр энергиясини етказиб бериш, қарздорликни камайтириш борасида ҳукуматимиз томонидан қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги "Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 511-сонли ва "Электр энергияси сотилиши ҳамда ундан фойдаланишни ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини мустаҳкамлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 512-сонли қарорилари ҳам ана шу мақсадга йўналтирилгани билан эътиборга моликдир. Мазкур қарорлар ижросини таъминлаш юзасидан Ҳамза туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари жойларда туман электр тармоқлари корхонаси ходимлари, маҳалла фуқаролар йиғини раислари, маҳалла фаоллари иштирокида белгиланган режа асосида мунтазам равишда тадбирлар ўтказмокда.

Хусусан, электр тармоқлари корхонаси томонидан етказиб берилаётган ҳамда юридик ва жисмоний шахслар томонидан истеъмол қилинаётган электр энергиясини ҳисобга олиш тизимини янада такомиллаштириш, электр энергияси тўловлари тўлиқ ва ўз вақтида тушиши устидан назоратни кучайтириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари мисолида оладиган бўлсак, замонавий электрон ҳисоблагичлар ўрнатилмагани натижасида ширкатларга тегишли уйларда ўрнатилган чироқлар фақат тунда фойдаланиш ёки лифтлар носоз ҳолатда бўлса ҳам фойдаланилмаган электр энергияси учун ўртача тўловларни амалга оширмоқда.

2008 йил давомида муддати ўтган дебитор қарздорликка йўл қўйган истеъмолчиларнинг қарзини уларнинг мол-мулки ҳисобидан ундириш тўғрисида Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 6065,2 миллион сўмлик суд ажримлари чиқарилиб, ижро учун туман суд ижро департаменти бўлимига тақдим этилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, бугунги кунда хонадонларимизни чароғон этаётган электр қувватининг қадрига етмоғимиз, ундан тежамкорлик билан фойдаланишимиз, энг асосийси эса тўловларни ўз вақтида тўлаб бормоғимиз зарур.

Фурқат ЗИЯДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ДСИнинг шўъба бошлиғи.

ДУНЁДА НИМА ГАП?

МУЛОҲАЗА

ӨМАДГА ЭРИШМОҚ УЧУН...

орзунинг ўзи камлик қилади

— Энди бу ёғини нима қилдингиз, ука? — дейди ҳамкасбим Тоҳир ака ҳар куни эрталаб кўришганимизда. Мен ҳам бўш келмасдан: "Начора, кеча ютқаздик, янаги сафар, албатта, ютамиз", дейман. У киши эса гапни ҳазилга буриб: "Майдонга яна уч-тўрттасини қўшиб тушираверинг. Биров билиб ўтирибдими?", — дейди. "Яхши ака, ҳаммаси сиз айтгандек бўлади" деб у кишининг ҳазилига ҳазил билан жавоб қайтараман.

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2010 йилда Жанубий Африка Республикасида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатига саралаш босқичининг ҳал қилувчи қисмида мусобақани бошлаганидан бери Тоҳир ака билан шу мазмунда гурунглашамиз. Дарҳақиқат, у кишининг бу ҳазилларида ҳам озгина бўлсада "зил" бор. Чунки вакилларимиз Австралия, Япония, Баҳрайн ва Катар терма жамоаларига қарши баҳсларни бошлаганидан буён бирор рақиб жамоани мағлубиятга учрата олмади. Юртдошларимиз фақат бир марта ижобий натижани қайд этишди: у ҳам бўлса сафарда — Япония терма жамоаси билан 1:1 ҳисобида дурангга рози бўлишди. Қолган барча учрашувларда мағлубият, мағлубият, мағлубият... Бундан фақат Тошкентдаги "Пахтакор" марказий стадионида Катар терма жамоаси билан кечган ўйин мустасно, албатта. Негаки, ўша учрашувда футболчиларимиз йирик 4:0 ҳисобида ғалаба қозонишганди. Энди нима учун мазкур муваффақиятни ҳам "мағлубиятлар" рўйхатига киритганимнинг сабабини айтсам: ёдингизда бўлса катарликлар билан кечган ўша шиддатли ўйинда вакилларимиз катта устунликка эга бўлишганди, аммо ҳадеганда рақиб дарвозасига гол кирита олишмаганди. Фақатгина ҳакам томонидан катарлик футболчилардан бири майдондан четлатилганидан сўнг ҳужумчиларимиз рақиб дарвозасига йўл топа олишган эди. Воқеаларнинг бундай ривожланиши Тоҳир аканинг ярми ҳазил, ярми чин тарзидаги гапларини амалда исботлади.

Энди Ўзбекистон терма жамоасининг ЖЧ-2010 йўлланмасини қўлга киритиш ниятида ташлаган дастлабки қадамидан бошлаб, энг сўнгги учрашувигача ўтказилган ўйинларни имкон қадар таҳлил қилсак. Вакилларимиз биринчи ўйинни Рауф Инилеев бошчилигида сафарда Катар миллий терма жамоасига қарши ўтказиб, 3:0 ҳисобида енгилган эди. Ўшанда айрим мутахассислар-у ишқибозлар бу мағлубиятнинг сабабини Ўзбекистонда ҳали миллий чемпионат бошланмагани сабабли футболчиларимизда тажриба етарли эмаслигига йўйишганди. Кейинчалик ҳамма айбни бош мураббийга ағдариб, янги устоз тайинлашди. Бироқ бу ишдан ҳам тайинли натижага эришолмадик.

Шу ўринда бир баҳсли фикрни ўртага ташласак. Хабарингиз бор, Европанинг кучли чемпионатларида турли давлатларнинг футболчилари тўп суришади. Улар мавсум давомида ҳам шартнома тузган жамоаси, ҳам Ватани терма жамоаси шаънини муносиб ҳимоя қилишади. Бундай футболчилар рўйхатига россиялик Андрей Аршавин, болгариялик Дмитрий Бербатов, ирландиялик Жон О`ши, португалиялик Криштану Ранолду, аргентиналик Леонил Месси, Карлос Тевис ва бошқа кўплаб футболчиларни киритиш мумкин. Юқорида номлари зикр этилган ўйинчилар клублар ўртасидаги турли мусобақалар (Европа чемпионлар лигаси, Клублар ўртасидаги жаҳон чемпионати), миллий чемпионат доирасидаги жуда қийин ва оғир учрашувларда майдонга тушишади. Лекин шунга қарамай миллий терма жамоа либосида Ватанининг, халқининг ори учун жон қуйдиришади. Майдонда тиниб-тинчимайди. Кўзланган натижаларга ҳам эришишади. Масалан, биргина россиялик Андрей Аршавинни олиб кўрайлик. У яқинда ватандошлари билан Финляндия терма жамоасига қарши майдонга тушиб, шундай ажойиб ўйин кўрсатдики, кишининг ҳаваси келади. Аммо у ҳам турли баҳоналарни рўкач қилиб, майдонга тушмаслиги ё яхши ўйин кўрсатолмаслиги мумкин эди-ку! Чунки бир ой олдин Андрей Аршавин ўз клуби таркибида Англия чемпионатини якунлади.

Табиий савол туғилади: Андрей Аршавин икки жойда тўп сўраверириб чарчамайдими? Ахир, туманли альбионда тўп тепиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. У ерда деярли ҳар бир ўйин нуфузли мусобақанинг финалидан-да қийинроқ кечади. Шунга қарамасдан, "Арсенал" жамоаси ҳужумчиси миллий терма жамоа таркибида ҳам тер тўкиб, эришилган ҳар бир ғалабага муносиб ҳисса қўшмоқда. Шундай экан, бизнинг футболчиларимиз мағлубиятга учрашса, "ҳаво ҳароратининг иссиқлиги, намликнинг юқорилигини ва тажрибанинг камлиги"ни нега баҳона қилиб кўрсатишади? Ахир Европада кучли ёмғир остида ҳам футбол ўйнашаяпти-ку! Футболчиман деб эгнига спорт формаси кийган ҳар бир спортчи қишин-ёзин тўп суришга тайёр туриши керак эмасми? Ахир, футбол — футболчининг нони. Одам нон егандан кейин уни ҳалоллаб емайдими?

Кейинги учрашувда юртдошларимиз Осиё қитъасининг янги вакили Австралия терма жамоасига қарши ўз майдонида тўп суришди. Минг афсуски, бу сафар ҳам ишимиз юришмади. Тўғри, жаҳон футбол мутахассислари мазкур ўйинда "кенгуру"ларни фаворит ҳисоблашганди. Чиндан ҳам австралияликлар майдоннинг ҳар чизиғида биздан устунлик қилди. Миллионлаб ўзбек футбол ишқибозлари эса Миржалол Қосимов шогирдларидан ғалаба кутишганди. Бунга уларнинг ҳақлари ҳам бор эди. Россия терма жамоаси "Евро-2008" мусобақасида Голландиядек кучли жамоани ютганида, биз нима учун Австралияни мағлуб этолмаймиз? Аммо футболчиларимизнинг майдондаги хатти-ҳаракатларини кўриб, кимдир уларни ўйнашга мажбурлаяпти, деган хулосага келиш мумкин эди. Яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш лозим, ҳар қандай спортчининг қалбида Ватанининг шаъни биринчи ўринда туриши керак. Эл-юртнинг ишончини қозонмоқ учун жон куйдириб ўйнаш керак-да, ахир!

Юқоридаги фикримизни давом эттирадиган бўлсак, жаҳон чемпионатига саралаш ўйинларининг учинчи тур доирасида вакилларимиз Кунчиқар юртга сафар уюштириб, японлар билан дуранг натижа қайд этишди. Бу бошидан мағлубият булутлари аримаётган миллий терма жамоамиз учун яхши кўрсаткич эди. Қолаверса, мураббийлар орасида ҳам қатор ўзгаришлар бўлганди. 2007 йилда Осиёда тенгсиз деб топилган Рауф Инилеев ўз ўрнини ёш ва иқтидорли Миржалол Қосимовга бўшатиб берганди. Кўплаб футбол мухлислари эса Японияда олинган бир очкони мураббийларнинг алмашинуви натижаси деб ҳисоблашди. Аммо юртдошларимиз тасодиф туфайлигина бир очкони қўлга киритишганга ўхшайди. Фикримизнинг нечоғли ҳақиқатга яқин эканини кейинги учрашувларда қайд этилган натижалар исботлайди. Хўш, Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари қандай қилиб Япония билан дуранг ўйнади. Биринчидан, японияликлар ўйинга жиддий ҳозирлик кўришмаганди. Чунки юртдошларимиз бундан аввалги икки ўйинда имкониятни бой беришганди. Бу япон футболчилари тасаввурида ўзбекистонликлар кучли ўйин кўрсата олмайди, деган тушунчани пайдо қилган эди. Иккинчидан эса Кунчиқар юртда ўзбек футболини араб футболидан ҳар томонлама устун деб ҳисоблашади. Лекин араб давлатларининг футболчиларига доим ютилаверишимиз бизга бўлган муносабатни бутунлай ўзгартириб юборди. Мана сизга японлар билан дуранг ўйналганининг айрим сабаблари!

Саралаш мусобақаларида Ўзбекистон терма жамоаси азалий рақибларимиздан бўлган Баҳрайн терма жамоасини ўз майдонида қабул қилди. Тан олиш керак, ўйинда вакилларимиз тўлиқ устунлик қилишди. Бироқ ҳужумчиларимиз яна рақиб дарвозасига йўл тополмадилар. Ўйиннинг асосий вақти тугаб, ҳакам томонидан қўшиб берилган дақиқалар ҳам ниҳояланаётган бир пайтда баҳрайнлик Маҳмуд Абдулраҳмон жарима тўпини қойилмақом ижро этиб, ўз жамоасига уч очко олиб берди. Шундай қилиб, мазкур ўйиндан кейин Ўзбекистон терма жамоаси учун жаҳон чемпионатининг эшиклари ёпилди. Тўғри, ўша вақтда назарий томондан ҳатто гуруҳимизда биринчи ўринни эгаллаш учун ҳам имконият бор эди. Лекин қолган жамоалар қайд этган натижалари бизнинг тақдиримизни ҳал қиларди.

Орадан тўрт кун ўтгач, вакилларимиз яшил қитъага сафар уюштиришди. Футболчиларимиз зиммасига мазкур ўйинда фақат ғалаба қозониш вазифаси юкланганди. Лекин ҳеч ким, ҳатто мураббийлар ҳам бунга ишонишмасди. Чунки Австралия жамоаси шу пайтгача бирор марта мағлуб бўлмаган, дарвозасидан тўп ҳам ўтказиб юборманганди. Буни ҳамма бирдек ҳис қилиб турган бўлса-да, умидимиз тамоман сўнмаган эди. Ахир чиқмаган жондан умид дейишади-ку! Лекин футболчиларимиз бу гал ҳам мағлубиятга учраш анъанасини бехижолат давом эттирдилар. Австралия — Ўзбекистон 2:0. Миржалол Қосимов назаримда қўпол хатога йўл қўйганди: у шогирдларига ҳамма нарсани ўйиннинг иккинчи бўлимида ҳал қилиш кераклигини уқтирганди, шекилли. Афсуски, бу рақибларимизга қўл келди. Австралияликлар бугун эътиборини ҳимояга қаратган вакилларимизнинг икки хатосидан унумли фойдаланиб, И.Нестеров дарвозасига иккита тўп киритишди. Ундан кейин бизникилар ҳар қанча уринмасинлар, барибир ўйин охиригача ижобий натижага эриша олмадилар.

Жорий йилнинг 10 июнида эса Япониядан ўз майдонимизда мағлуб бўлдик. Бу учрашув ҳақида атрофлича тўхталишнинг ҳожати йўқ деб ўйлайман. Негаки, биз қачон мағлуб бўлган бўлсак, фақат бир хил хато эвазига имкониятни бой берганмиз. Тақдир тақозосини қарангки, биз мағлубиятга учрағанимиз сари жаҳон чемпионатига бориш учун имкониятлар эшиги очилаверди. Саккиз учрашувда майдонга тушиб, битта дуранг, бир марта ғалаба қозонсак-да ЖЧ-2010га чиқиш учун курашни давом эттириш туҳфа этилаверди. Аниқроғи, Япония Баҳрайнни мағлуб этиб, Баҳрайн билан бизнинг имкониятимизни тенглаштириб берди ва Австралия терма жамоаси катарлик футболчилар билан дуранг ўйнаб, вакилларимизга қулайлик туғдирди. Буни қаранг, ҳамма гўё Ўзбекистон терма жамоасининг Жанубий Африка Республикасига боришини истаяпти. Фақат футболчиларимиз кўнгилдагидек ўйин намойиш этишмади.

Шундай қилиб, миллий терма жамоамизга гуруҳимизда учинчи ўринни эгаллаб, мусобақани давом эттириш имконияти туғилди. Бунинг учун юртдошларимиз Баҳрайн терма жамоасини ҳар қандай қилиб бўлса-да мағлуб этиши шарт эди. Шунинг учун бу ўйинга вакилларимиз жиддий ҳозирлик кўришди деб ўйлагандим. Ўтган ҳафтанинг ўртасида Манамада Баҳрайн термасига қарши майдонга тушдик. Учрашув кутилганидек шиддатли кечди. Бутун учрашув давомида хавфли вазиятлар содир этишда мезбонлар устунлик қилишди. Бир сўз билан айтганда, баҳрайнлик футболчиларга қарши фақат терма жамоамиз дарвозабони И.Нестеров ўйнади. Тан олиш керак, бизда ҳам рақиб дарвозасига тўп киритиш учун бир қатор имкониятлар бўлди. Лекин юзага келган вазиятлардан фойдалана олмадик, холос. Оқибатда Маҳмуд Абдулраҳмон

дарвозамизга тўп киритиб, бизнинг барча орзуларимиз хомхаёл эканини исботлади.

Хуллас, биз учун ЖЧ-2010 эшиклари ёпилди. Энди айбни кимдан қидирамиз? Ёки ҳаммасини бош мураббий Миржалол Қосимовга ағдарамизми? Ё майдонга тушиб гол ура олмаган футболчиларимиздан гина қиламизми? Ё ҳаммаси омадга боғлиқмикин? Лекин омад доим кучлиларга қулиб боқкан. Фикримизча, Миржалол Қосимов керакли пайтда яхши жамоани шакллантира олмади. Янги футболчиларни, ҳам кашф этмади. Рауф Инилеев бошлаган ишни давом эттирди, холос. Майдонга захирадан ўйинчи туширишда ҳам адашди. Масалан, Анвар Солиевнинг нима учун майдонга тушганини кўпчилик билмайди. Сабаби охирги ўйинда унинг оёғига тўп текканини кўрмадик. Айбнинг кўпроғини футболчиларимизда деб ҳисоблаймиз. Бу фикримни бир мисол билан исботламоқчиман. Европа чемпионлари лигаси финали тугаганидан сўнг, Испаниянинг "Барселона" жамоаси мураббийи Х.Гвардиола интервью бераркан, "Бугун йигитлар кўрсатмаларимга яхши амал қилишмади. Айниқса, Л.Месси мен айтган ишни қилмай, фақат ўзи билганини қилди. Аммо бундан асло хафа эмасман." Кўринаяптики, мураббий минг хил тактика ўйлаб чиқмасин, барибир майдонда ҳаммаси ўзгариб кетади. Шунинг учун масалани кўпроқ ўйинчилар ҳал қилишади. Бунинг учун уларда фикрлаш тез ва тўғри бўлиши зарур. Айнан бизнинг футболчиларга мана шу хислат етишмаётганга ўхшайди. Кўплаб хатоларга йўл қўйишимизнинг боиси ҳам шу эмасмикин? Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, мағлубиятга учрашимизнинг бошқа сабаблари бор, албатта. Эслаб кўрингчи, қачон Европа ёки Жанубий Американинг етакчи жамоалари билан ўртоқлик учрашувини ўтказдик?

Қолаверса, юқоридаги бир фикр ҳеч хаёлимдан кетмаяпти. Бу — ватанпарварлик туйғуси. Ор-номус туйғуси. Мен ана шу туйғулардан терма жамоамиз вакиллари бутунлай мосуво демоқчи эмасман. Аммо... уларда ана шу туйғуни умр мазмуни деб билиш, ҳар қандай қийинчиликларга бардош бериш салоҳияти етишмаяпти, фикри ожизимча.

Футболни миллионлар ўйини дейишади. Дарҳақиқат майдонда ўн битта киши тўп сургани билан уларнинг зафарига ҳам, мағлубиятига ҳам миллионлаб одам шерик бўлади. Юртдошларимиз телевизор қаршисида юрагини ҳовучлаб ўтиради, жамоамизни шу тариқа қўллаб-қувватлайди. Назаримда футболчиларимиз мана шуни ҳам ҳис қилишлари керак. Ўзлари учун ўйнамасалар ҳам уларнинг ғалабасини интиқлик билан кутаётган миллионлаб қора кўзлар учун бор маҳорат ва кучларини ишга солиб тўп суришлари шарт. Ўзбекистонда футболни Бразилиядан кам севишмайди. Мазкур спорт тури кўпчилигимизнинг ҳаётимиз мазмунига айланиб улгурган. Ўзбекистон халқ артисти Эргаш Каримов иштирокида футбол ҳақида ишланган бир саҳна асарини эсланг. "Пахтакор" жамоасининг ютуғи уни қанчалар хурсанд қилади. Ҳатто бу учун у ўзидан кечишга-да тайёр туради. Севимли жамоаси мағлуб бўлса-чи? Ҳаёт унга бегонага ўхшайди. Уйидаги бор нарсани ташқарига улоқтиради. Бу ҳангомани бежизга ёдингизга солмадим. Бу билан Ўзбекистон терма жамоасининг ғалабаси-ю, мағлубияти ҳар бир юртдошларимизнинг иш фаолияти, ҳаёт тарзига таъсир кўрсатади демоқчиман. Афсуски, футболчиларимиз буни билармикин? Агар буни ҳис қилсалар нега терма жамоамизнинг боши мағлубиятдан чиқмаяпти?

Футбол мутахассиси бўлган бир танишим ўйинчиларимиз ҳақида бир фикрни айтганди. Унинг наздида футболчиларимизга тез-тез баскетбол ўйнатиб туриш керак экан. Ундан нега бундай деганининг сабабини сўрагандим. У агар баскетболчи тўпни майдон саватчасига аниқ йўналтира олсагина очко ишлайди. Лекин футболчиларимиз эни 7,2 метрлик дарвозага тўпни йўналтиришда баскетболчилардан ҳам нўноқроқ, деб жавоб берди. Ҳақиқатан ҳам бугун ўйинчиларимизнинг энг катта камчилиги бу — дарвозани аниқ "нишон"га ола билмасликларида. Севимли санъаткоримиз марҳум Ҳожибой Тожибоев айтган эди: "Футболчиларимиз тепган тўп рақиб дарвозасидан уч-тўрт метр баланддан ёки ёнидан ўтиб кетади. Зарба берган ўйинчимиз эса худди гол бўлишига озгина қолгандек, "эҳ" деб бошини чангаллайди. Ахир дарвозанинг устига яна бир дарвоза ўрнатилганда ҳам бунақа тўп тепишда гол бўлмайди-ку!.." Рост, бу вақтда рақибларимиз бир неча марта ҳужум қилишга ҳам улгуради. Бу гаплар қанча аччиқ бўлмасин, барибир дарвозага аниқ зарба бермасдан гол уриб бўлмайди. Гол бўлмаса ғалаба ҳам йўқ. Шундай экан, ўйинчиларимиз баскетбол ўйнамасалар ҳам жилла қурса, машғулотлар вақтида тўпни дарвозага аниқ йўллашни кўпроқ ўрганишса, мақсадга мувофиқ бўлармиди?

Футболда фақат ҳамжиҳатликда ғалаба қозониш мумкин. Жамоада битта ё иккита маҳоратли ўйинчи бўлгани билан зафар қозониш қийин. Шунинг учун майдонга тушган ўн бир футболчининг бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилиши талаб этилади. Акс ҳолда бирор ютуққа эришиш қийин. Буни Баҳрайн терма жамоаси билан бўлган сўнгги ўйин ҳам исботлади. Терма жамоамиз таркибида Александр Гейнрихдек маҳоратли, Жасур Ҳасановдек фидойи ва тезкор, Игнатий Нестеровдек (кўз тегмасин) қалқон, жуда кучли маҳорат соҳиби бўлган ўйинчилар бўлишига қарамай ишонч оқланмади. Агар Манамадаги ўйинда Игнатий Нестеровдек кучли дарвозабонимиз бўлмаганида учрашувнинг биринчи бўлимидаёқ тўртта гол ўтказиб юборган бўлармидик...

Сир эмаски, бугун юртимизда футболни ривожлантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Шаҳарларимизда жаҳон стандартларига мос келадиган стадионлар қурилмоқда. Ёшларга футболнинг барча қирраларини мукаммал ўзлаштириш учун имкониятлар яратилмоқда. Уларга тажрибали мураббийлар сабоқ беришмоқда. Булар, шубҳасиз, яқин келажакда ўз самарасини беражак. Айниқса, ёшлар терма жамоамизнинг қўлга киритаётган ютуқлари гапимизни асослайди. Уларнинг жорий йилдаги жаҳон чемпионатида иштирок этиши умидимизни нурлантирмоқда. Қолаверса, камчиликларни санаган билан ҳеч нарса ўзгариб қолмайди. Энг асосийси, йўл қўйилган хатолардан ўз вақтида тўғри хулоса чиқариб олишдир. Шундай экан, келинг, футбол шарҳловчилари ҳар доим айтганидек, "бизнинг кўчамизда ҳам байрам бўлишига" ишонайлик. Зеро, яхши ниятни ярим давлат дейдилар.

Азим РЎЗИЕВ,
"Hurriyat"мухбири.

ДАРАКЛАР

РАКЕТА СИНОВИ



АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари томонидан Minuteman 3 қитъалараро ракетаси синови ўтказилди. Associated Press хабарида айтилишича, синов муваффақиятли якунланган. Ҳарбийларнинг сўзларига қараганда, Калифорния штатидаги Ванденберг авиабазасидан отилган ракета 6550 километр узоқликдаги Маршалл ороллари ҳудудида жойлашган шартли нишонга етиб борган.

Ҳарбийлар синовдан мақсад ракетанинг мустаҳкамлиги ва аниқ масофага етиб боришини синаб кўриш эканини айтишди.

Minuteman 3 баллистик ракетаси 1970 йилдан буён Пентагон ҳарбий кучлари таркибида бор. У 9,6 минг километр масофага учта ядровий каллакни етказиб бориш қудратига эга. Ҳозирда АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари ихтиёрида 500 га яқин шундай ракеталар бор.

ҚАЗЗОФИЙНИНГ ТАЛАБИ ҚОНДИРИЛДИ

Касабланка суди Ливия давлати йўлбошчиси Муаммар Қаззофийнинг талабини қондириб, учта Марокко нашрини 270 минг евро жаримага тортди. Қаззофий ўз шаънига теккани учун Марокашнинг учта кундалик нашрлари «Al Jarida Al Aoula», «Al Ahdat Al Maghribia» ва «Al Massae»ни судга берганди.

Reuters тарқатган хабарда айтилишича, ҳар уч нашр ҳам Қаззофийнинг "Яшил китоб"ида баён этилган сиёсий қарашларни танқид қилган эди.

«Al Jarida Al Aoula» директори Али Анузла суд қарори устидан шикоят қилишини ва Қаззофий режимини бундан буён ҳам танқид қилаверишини билдирди.

ЖИНОЯТЧИ ҚЎЛГА ТУШДИ

Москва шаҳар ички ишлар бош бошқармаси жиноят қидирув бошқармаси ходимлари томонидан жиноят оламидаги таниқли кимсалардан бири Камо Сафарян қамоққа олинди. "Интерфакс" хабарида айтилишича, у шаҳарнинг шимоли-шарқида жойлашган "Паҳлави" ресторанида гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилаётган пайтда қўлга олинган. Унинг ёнидан 11 грамм қора дори ҳам топилган. Ушбу далил бўйича жиноий иш очилиб, суриштирув ишлари бошланди.

Маълумотларга қараганда, Сафарян 1961 йили Арманистонда туғилган. Тўрт марта судланган. Охирги марта ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари ўрталарида уйида қурол сақлагани учун қамалган эди. Кейин у бир неча йил Украинада яшади. 2006 йилда эса мамлакатдан чиқариб юборилди. У собиқ шўролар давлати ҳудудидаги энг хавфли жиноятчилардан бири ҳисобланади. РИА Новости хабарига қараганда, у Бразилиядан келган куннинг эртасига ҳибсга олинган.

УЙ ҚУЛАБ ТУШДИ

Хитойнинг Шанхай шаҳрида қурилаётган кўп қаватли уй қулаб тушган. UPI ахборот агентлиги хабарида айтилишича, уйнинг 13 қавати тикланган эди. Бино бутунлай вайронага айланган. Яқин атрофда аҳоли яшайдиган кварталлар бўлмагани учун талафот кам бўлди, бир киши вайроналар тагида қолиб кетди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, уйнинг қулашига ертўлада қурилган гараж ва кўп миқдорда ёмғир ёғиши туфайли бино пойдеворининг емирилиб кетиши сабаб бўлган. Бундан ташқари, қурувчилар янги микрорайондаги ерларнинг мустаҳкам эмаслиги туфайли бино қулаган бўлиши мумкин, деган тахминларни ҳам билдиришмоқда.

ВАҚТИНЧА ШЕНГЕН ҲУДУДИДАН ЧИҚДИ

Италия 29 июндан икки ҳафтага Шенген ҳудудидан чиқди ва Италия



ҳамда Европа Иттифоқи ўртасига чегара постлари ўрнатди. Бу ҳақда Euronews хабар тарқатди. Хабарда айтилишича, шу йилнинг 8-10 июль кунлари Италиянинг Аквила шаҳрида бўлиб ўтадиган "Катта саккизлик" раҳбарлари йиғилиши хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шундай йўл тутилган. 15 июлдан эса яна чегаралар очилади.

Эслатиб ўтамиз, июнь ойида Италия полицияси "Катта саккизлик" саммити пайтида Маддалена оролида террорчилик акти уюштиришни режалаштирган олти нафар кишини қамоққа олган эди. Шундан сўнг саммит ўтказиладиган жой Маддаленадан Аквилага кўчирилди.

РОССИЯ ОЗАРБОЙЖОН ГАЗИГА ХАРИДОР

«Газпром» ва Озарбойжоннинг «Давлатнефтгаз» компанияси ўртасида Озарбойжон газини Россияга сотиш бўйича шартнома имзоланди. Шартномани имзолаш маросимидан сўнг "Газпром" бошқаруви раиси Алексей Миллер журналистларга интервью берди. Унинг таъкидлашича, РФ ҳар йили Озарбойжондан 500 миллион кубометр газ сотиб олади. Кейинроқ эса сотиб олинадиган газ миқдори миллиард кубометрга етиши мумкин.

Мутахассисларнинг тахминича, Озарбойжондаги газ захиралари 1,5 триллион кубометрни ташкил этади. Ҳозирда йилига 10,3 миллиард кубометр зангори олов қазиб олинмоқда, холос.

***Интернет хабарлари асосида* Азиз АЛЛАБЕРДИЕВ**
тайёрлади.

ЖАҲОН МОЛИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Германияда банк тизими

Германия банк тизимининг биринчи бўғини Марказий банк бўлиб, у Германия Федерал банки — «Bundesbank» дейилади. Бундесбанк ўзининг монетар сиёсати орқали мамлакат иқтисодиётининг ривожига муҳим ҳисса қўшади. Тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкасига таъсир этиш йўли билан инвестицияларни тижорат банкларининг кредитлари ҳисобидан молиялаштириш жараёнига ижобий таъсир кўрсатади.

Германиянинг банк тизими 4000 дан ортиқ эркин кредит институтлари, 1000 та кичик банк ва 50000 дан ортиқ филиални ўз ичига олади. Умумий аҳолиси 82 миллион кишидан ортиқ бўлган мамлакатда битта банк офисига 1600 дан ортиқ киши тўғри келади, яъни банк зичлиги жиҳатидан Бельгия ва Швейцариядан сўнг учинчи ўринни эгаллайди. Молия маркази бўлган биргина Франкфуртнинг ўзида сўнгги маълумотларга қараганда 470 тадан ортиқ банк мавжуд.

Банк федерал ҳукуматга бўйсунмаса ҳам унинг умумий иқтисодий сиёсатини қўллаб-қувватлаши лозим. Ҳукумат билан яқин ҳамкорликда фаолият юритишни таъминлаш мақсадида ҳукуматнинг пул-кредит сиёсатини юритиш бўйича йиғилишда «Bundesbank» нинг президенти, Марказий банк Кенгашининг йиғилишларида эса ҳукуматнинг аъзолари иштирок этади. Ҳукуматнинг аъзолари фақат таклиф киритишлари мумкин.

«Bundesbank»нинг бошқарув органлари Марказий банклар кенгаши ва директорлар кенгаши ҳисобланади. «Bundesbank»нинг олий органлари ҳисобланган Марказий банклар кенгашига «Bundesbank» президенти раҳбарлик қилади. Ундан ташқари, кенгашга «Bundesbank» вице президенти, ландес марказий банкларнинг 9 та президенти ва бошқа кенгаш аъзолари киради.

"Deutsche Bundesbank" бошқармаси федерал вазирлик мақомига эга. Ҳукумат аъзолари банк кенгаши аъзоларини тайинлашда ва пул-кредит сиёсати ҳақида қарор қабул қилишда овоз бериш ҳуқуқига эга эмас, фақат федерал президент "Deutsche Bundesbank" қарорини 14 кунга кечиктириш ҳуқуқига эга. Аммо ушбу ҳолат "Deutsche Bundesbank" тўғрисидаги қонун қабул қилинган йилдан, яъни 1957 йилдан бери бирор марта ҳам кузатилмаган. Ҳукумат қарорларини қабул қилишда эса "Deutsche Bundesbank" президенти иштирок этиши шарт.

Равшан СОБИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.

НИГОҲ

Юртимиз мустақилликка эришгач, заминимизда яшаб, ижод этган буюк алломалар фаолиятини ўрганишга киришилди. Мамлакатимиз ҳудудида яшаб, ўз илми билан жаҳон аҳлини ҳайратга солган шайх Абубакр Шиблий ҳам ўз даврининг тенги йўқ илм аҳлларидан бири ҳисобланган. Аллома Жунайд Бағдодийнинг шогирди Мансур Халлож билан бир даврда яшаб, ҳамфикр дўст бўлгани ва авлиёлик даражасига етгани тарихий битикларда қайд этилган.

МОЗИЙ

Шайх Шиблий ким бўлган?

Қарши шаҳрининг шарқий-жанубий қисмида жойлашган Шилви қишлоғи шайх Шиблий ҳазратлари яшаган манзилгоҳ саналади. Қишлоқнинг шарқий томонида шайх Шиблийнинг зиёратгоҳи жойлашган. Шу ердаги қадимий қабр эса у кишига нисбат берилади. Қабр яқинида улкан масжид ҳам қад ростлаб турибди. Масжид томи ёғоч меъморчилиги услубида ёпилган. Ўртадаги ёлғиз устунга сифатли ишлов, шакл берилган. Ёғочлар тўрт томондан ушбу устунга бирлаштирилган. Вассалар ҳам дид билан ишланиб, жуфтлаштириб терилган. Том вассалари ва ёғочлари ўз даврида табиий ранг-бўёқлар билан нақшланган. Масжиднинг уч тарафи айвон билан ўралган. Айвонларни тўққизта улкан устунлар кўтариб турибди. Масжид биноси тархининг тузилиши, уни ўз даврида шу атрофдаги асосий саждагоҳлардан бири бўлганидан дарак беради.

Ўрта асрда яшаб ижод этган олиму уламолар, шоиру тарихнавислар ўз исмига таваллуд топган шаҳар ёки қишлоқлари номини нисба сифатида қабул қилганлар. Демак, бу Шилви қишлоғи шайх Шиблий таваллуд топганига қадар ҳам мавжуд бўлганини билдиради. Сабаби шайх Абубакр Муҳаммад ҳам ўзига "Шиблий" нисбасини қабул қилиб олганки, бу билан Шибли қишлоғилик эканини англатади.

Халқаро Фирдавсий мукофоти соҳиби Шоислом Шомуҳамедов форс тилидан ўзбек тилига таржима қилган буюк мутафаккир шоир Абдураҳмон Жомийнинг "Баҳористон" асари сўнгида тузган изоҳида Шиблий ҳақида сўз юритиб, "Шиблий — Абубакр Муҳаммад ибн Халаф араб тилида ижод қилган тасаввуф шоири. Ўзи Ўрта Осиёдан чиққан (Бухоро). 945 йилда Бағдодда вафот этган" дейди. Шундан ҳам кўриниб турибдики, бу қишлоқ ўтган аср бошларигача Бухоро амирлиги тасарруфида бўлган. Бундан ўн асрлар аввал ҳам ўз ўрнига эга экан.

Шайх Шиблий умр бўйи сафарларда бўлиб, илм-маърифат тарқатган ва кўплаб шогирдларга устозлик қилган. Баъзи манзилгоҳ — роботларда узоқ муддат яшаганлари сабаб, ўша ерлар қадамжо сифатида у кишининг ҳурмати юзасидан "Шибли", "Шилви" деб номланган. Профессор Ҳамиджон Ҳомидийнинг "Тасаввуф алломалари" номли асарида битилган шайх Шиблий ҳақидаги мақоласида Хўжанд атрофи, Ўратепада ва Тошкент вилоятида ҳам Шиблий номидаги қишлоғу гузарлар, мавзелар учраши келтирилган. Муаллиф Қарши шаҳри яқинидаги Шилви қишлоғи ва зиёратгоҳи ҳақида эшитмаган бўлсалар керакки, бу манзилгоҳни қаламга олмаганлар.

Шайх Абубакр Шиблий ҳаёти, фаолияти ҳақида кўплаб тарихчилар, тазкиранавислар, олимлар баҳоли қудрат ўз асарларида тасвирлашга ҳаракат қилишган. Уларда алломанинг илм салоҳияти, карометлари кўрсатиб ўтилган. Ҳатто буюк Алишер Навоий ҳазратлари ҳам машҳур "Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват" асарида 77 та шайх-авлиёларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида қисқа маълумот берар экан, шайх Абубакр Шиблийга ҳам маълум ўрин ажратган.

Шайх Шиблийнинг таъкидлашича, йигирма йил турли ровийлар (ҳадис ривоят қилувчилар)дан ҳадис ёзиб олиш ва йигирма йил фиқҳ асосларини (фиқҳ — ислом ҳуқуқшунослиги) ўрганишга умрини сарфлаган. Абдураҳмон Суламий, Абулқосим Каширий сингари донишмандлар ҳам шайх Шиблийнинг ноёб фазилати, хислатлари ҳақида ғаройиб ҳикоялар ёзиб қолдирганлар.

Тасаввуф аҳлининг пешво пирларидан бири, шарқ адабиётининг ёрқин намоёндаси шайх Иброҳим Муҳаммад Фаридиддин Аттор Нишопурий ҳам ўзининг "Илоҳийнома" китобида шайх Шиблий ҳақида қуйидаги ҳикоятни келтиради: бир шаҳарда новвой яшар экан. У Абубакр Шиблийнинг шуҳратини эшитиб, шайхнинг ўзини кўрмай, унга кўнгил боғлаган экан. Аммо шайхни бир кўрсам деган иштиёқ билан юраркан. У кўриб ошиқ бўлмаган, балки эшитиб ошиқ бўлгани сабабли шайхнинг қиёфасини хаёлида гавдалантирар, ҳар хил одамларни кўз олдига келтириб кўрар экан. Нима бўлибди-ю, кунларнинг бирида шайх Абубакр Шиблий новвой яшайдиган шаҳарга кириб келибди. Шайх шаҳарни айланиб, ҳалиги новвой дўкони ёнидан ўтиб қолибди ва битта кулчани олиб ея бошлабди. Шу пайт новвой буни кўриб, нонни шайхнинг қўлидан тортиб олибди ва қаттиқ дашном берибди. Шайх Шиблий ноумид бўлиб, ўтиб кетибди. Новвойнинг ёнидаги киши унга қараб:

— Бу одам Абубакр Шиблий бўлади. Шайх Шиблийга шунча эътиқодинг бор-у, лекин бир бурда нонни раво кўрмай, қўлидан тортиб олдинг, — дебди.

Новвой аттанг қилиб, Шиблийнинг орқасидан югурибди. Шиблий аллақачон шаҳардан чиқиб, чўлга равона бўлган экан. Новвой унинг орқасидан етиб бориб, узр сўраб, садоқати ва муҳаббатини айтибди. Шунда Абубакр Шиблий унга:

— Бўлмаса бир зиёфат мажлисини ташкил қилгин. Мени зиёфатга чақиргин, — дебди.

Новвой бу сўздан хурсанд бўлиб, дарҳол шайхнинг айтганларини бажарибди. Шоҳона зиёфат уюштириб, шаҳарнинг казо-казолари, турли тоифалардан меҳмонлар таклиф этибди. Улар анвойи таомлар қўйилган дастурхон атрофига йиғилишибди. Шиблий дуога қўл кўтариб, барчага яхшиликлар тилабди. Меҳмонлар энди таомга қўл узатаётганда ўтирган азизлардан бири Шиблийга мурожаат қилиб сўрабди:

— Эй шайхи муршид, айтингчи, дўзахий ким ва жаннатий ким?

Шиблий ҳазратлари жавоб берибдилар:

— Агар дўзахийни кўрмоқчи бўлсанг, шу зиёфатнинг соҳибига назар сол. Шуҳрат учун шунча пул сарфлаб бизни чақиртирди, аммо Аллоҳ йўлида бир нонни дарвешга бермади. Агар у муҳтож дарвешга саховат, ҳиммат кўрсатиб, нонни берганида эди жаннатий бўларди.

Шайх Шиблий ҳар қанча илмли бўлиб, авлиёлик поғонасига кўтарилган бўлса-да, унинг атрофида кўнгли қора, илми ўзидан юқори кишиларни кўролмайдиган душманлари ҳам кам эмасди. Уларнинг бўҳтонлари сабабли аллома ўз қишлоғини тарк этиб, олис сафарларга отланган тўғрисидаги ривоятлар ҳозир ҳам Шилви, Сарой ва Дашт қишлоқ аҳли орасида маълум. Шайх Шиблий ҳақида Алишер Навоий ўзининг "Насойим ул-муҳаббат" асарида "Отаси халифанинг соҳиб ул-ҳижоби эрди, Суламий табоқатида "Хуросониюл асл ва Бағдодул мавлид валмаишаъ" битибдур.

Асардаги "Хуросаниюл асл" — "Асл хуросонликдир..." мазмунини англатади. Аллома яшаган даврларда ҳозирги Қашқа воҳаси ҳудудлари ҳам Хуросон ноибллигига қараган ва Хуросон замини деб юритилган. Асарда "Умри саксон еттига етишди. 334 йилда (милод.945-946й) Зулҳижжа ойида дунёдин ўтди. Ва ҳам Жунайд дебдурки: "Ҳар бир қавмнинг тожи бор. Бу қавмнинг тожи эса Шиблийдир". Ул дебдурки: "Ҳуррият — қалб ҳурриятидир, бошқа нарса эмасдир". Юқорида келтирилган ривоят ва ҳикоятлардан кўринадики, алломанинг фарз ва суннат амалларига тўлиқ риоя қилиб яшаган умри мўмин инсонлар учун дастуриламал бўлиб қолган.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчимизки, биз яшаётган юртнинг ҳар бир қарич ерини муқаддас атаса арзийди. Биз юқорида шайх Шиблий ҳазратлари ҳақида баҳоли қудрат сўз юритдик. Алломанинг Шилви қишлоғидаги муборак қабрига тўхталадиган бўлсак, азалдан эл меҳрини қозониб, эътиқодига сазовор бўлган улуғ шахсларнинг қабр — мақбаралари ва қадамжолари бир нечта жойда бўлганини биламиз. Масалан, ҳазрат Али ибн Абу Толиб, Моликаждар, Ҳофиз Шерозий, Беруний сингари шахсларнинг рамзий қабрлари шулар жумласидандир.

Олим Шоислом Шомуҳамедовнинг изоҳича шайх Шиблийнинг Ўрта Осиёлик (Бухоро) эканини ва Бағдодда вафот этганини ҳисобга оладиган бўлсак, ўз даврида қишлоқдошлари шайх Шиблийнинг ҳокини Шилвига келтириб дафн этишган бўлсалар не ажаб? Буни келгуси изланишларимиз албатта ойдинлаштиради, деб ўйлаймиз.

Шомурод ШАРОПОВ

САНОАТ

«Вобкенттексйигирувчи»: ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТИ ОШМОҚДА

Юртбошимиз томонидан мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларга имкон қадар енгилликлар бериш, солиқ юкини камайтириш орқали қўшимча иш ўринларини яратишга жиддий эътибор қаратилаётгани соҳа ривожида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бу ўз навбатида соҳа вакилларининг мамлакатимизда хориж сармоядорлари билан ҳамкорликда фаолият юритаётган қўшма корхоналарнинг ҳам ижобий кўрсаткичларга эришишига замин яратаяпти. Хусусан, уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати ҳам ҳажми ҳам барқарор ўсиб бораяпти. Маҳсулотларнинг хорижлик ва юртимиз истеъмолчиларига бирдек манзур бўлаётганидан эса киши кўнглида беихтиёр фахр туйғуси уйғонади. Буларнинг барчаси, бир сўз билан айтганда Президентимиз раҳнамолигида мазкур йўналишда қулай сармоя муҳити ва ҳуқуқий база яратилганидан далолатдир.

Вобкент туманидаги «Вобкенттексйигирувчи» унитар корхонаси ҳам тўқимачиликка ихтисослашган ана шундай йирик қўшма корхоналардан ҳисобланади. Бундан икки йил муқаддам ташкил этилган мазкур корхонага ўтган йили «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Бухоро минтақавий филиалидан берилган 2 миллиард 868 миллион сўмлик кредит маблағи эвазига Хитойдаги нуфузли компаниялардан йигирув дастгоҳлари олиб келиб ўрнатилди. Жорий йилнинг май ойидан маҳсулот тайёрлашни тўла йўлга қўйган жамоада айни пайтда 150 нафар киши меҳнат қилмоқда.

Ҳозир ишлаб чиқариш қуввати бўйича мамлакатимизда етакчи корхоналардан ҳисобланган мазкур жамоада пахта толаси замонавий технологиялар асосида қайта ишланиб, халқаро андозаларга мос келадиган юқори сифатли ип калава тайёрланмоқда.

— Фабрикамиз тўлиқ қувват билан фаолият кўрсатса, ишчилар сони яна 250 нафарга ортиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 4000 тоннани ташкил этади, — дейди корхона ижрочи директори Рамазон Ражабов. — Бу эса аввало ҳудудда яшаётган яна кўплаб инсонлар ишли бўлади, оилавий шароитлари яхшиланади, дастурхонлари тўкин бўлади, деганидир. Бундан ташқари, қанча катта ҳажмда иш бажарилса, жамоамизга ҳам шунча фойда. Даромад ҳам йилдан-йилга кўпаяди. Ўзўзидан ишчиларнинг маошлари ортиб бораверади. Шу боисдан айни пайтда тайёрланаётган маҳсулотларимизни хорижга экспорт қилиш юзасидан бир қатор ишларни амалга оширмоқдамиз. Бундан ташқари келажакда яна бошқа катта-катта режаларни амалга оширишни мўлжаллаб турибмиз. Албатта, юртимизнинг чекка ҳудудларида фаолият юритаётган биздек жамоаларнинг иши ўнгланишида, иқтисодий аҳволи яхшиланишида ҳукуматимизнинг мазкур соҳага эътибори ва мамлакатимиздаги молиявий муассасаларнинг беминнат хизмати сабаб бўлмоқда.

Дарвоқе, Президентимизнинг 2006 йил 13 ноябрдаги «2006-2008 йилларда тўқимачилик саноати корхоналарини модернизация қилиш ва техникавий қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида»ги қарори тармоқнинг ривожланишига ижобий туртки бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мазкур қарор тўқимачилик соҳасида ҳам йирик лойиҳаларни амалга оширишда янги имкониятлар эшигини очиб бераётир.

Шавкат НОСИРОВ,
«Hurriyat» мухбири. ®

ТАЪЛИМ

Замонавий технологияларнинг самараси катта

Жиззах транспорт, алоқа касб-ҳунар коллежида бу соҳага алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас

—Педогогик жамоамиз Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус касб-ҳунар марказининг 2002 йил 30 ноябрдаги буйруғи билан Жиззах транспорт, алоқа касб-ҳунар коллежига айлантирилган, — дейди коллеж директори Саъдулла Эшбоев. — Айни пайтда бизда 11 та йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Хусусан, улар қуйидагилардан иборат: автотранспортда юк ташишни ташкил этиш ва ҳаракатни бошқариш, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, ахборот коммуникация технологияларида бизнес, ахборот коммуникация технологияларида электроника, ахборот коммуникация технологияларида дастурлаш, бухгалтерия аудит, банк иши ва бошқалар. Хуллас, автомобиль ва алоқа тизимларида зарур бўладиган барча кадрлар тайёрланмоқда. Ўқув масканимизда 3414 нафар ўқувчи таҳсил олади.

Коллежда тажрибали, ўз касбини яхши биладиган, салоҳиятли устоз-мураббийлар жамоаси шаклланган, десак муболаға бўлмайди. Ўқитувчиларнинг 275 нафари олий маълумотли ва 3 нафари ўрта махсус маълумотга эга. Бу ерда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида замонавий педогогик технологияларни қўллаш асосида ноанъанавий усулда машғулотларни ташкил этиш, ўқитувчи-услубчиларнинг дарсларини оммалаштириш каби хайрли ишлар амалга ошириляпти. Айниқса, Исоқ Тиркашев, Зафар Шомансуров, Маҳбуба Усмонова, Фотима Солиева каби ўқитувчилар эришаётган ютуқлар ибратлидир.

Шунингдек, ўқув юртида иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш, уларга ҳар томонлама қулай шарт-шароит яратиш борасида ҳам зарур имкониятлар етарли. Ахборот-ресурс марказининг китоб фонди катта бўлиб, сони бир неча ўн мингдан ошади.

Шунингдек, коллежда 62 ўринли ўқув зали ҳам мавжуд бўлиб, агар ҳар кунги китобхонлар қатновини ҳисобга олсак, улар 400 дан зиёдни ташкил этади. Булардан ташқари ўқув юрти 2003 йилдан бошлаб хориждаги KFW банки томонидан ажратилган кредит асосида Ўзбекистон—Германия "Ахборот коммуникация технологияси соҳасида касб-ҳунар таълимини ривожлантиришга кўмак" лойиҳасига киритилган. Барча компьютерлар интернет тармоғига уланганлиги боис, коллежнинг алоҳида веб-сайти мавжуд.

Ўқитувчиларнинг меҳнати ҳам уларнинг тажрибасига қараб рағбатлантириб борилмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги "Ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига бинoан 2008-2009 ўқув йилида 62 нафар ўқитувчига устама ҳақ тўланди. Булардан ташқари ҳар чоракда изланувчан, иқтидорли ўқитувчилар ойлик маошига қўшимча равишда иш ҳақи тўлаш жорий этилган.

Ўтган йили давлат бюджетидан 35 миллион сўм маблағ ажратилиб, коллежнинг 4 қаватли ўқув биноси ҳамда 50 ўринга мўлжалланган "Талабалар уйи"даги иссиқлик тизими қайта капитал таъмирдан чиқарилди. Ўтган 2008 йилнинг Ёшлар йили деб номланиши муносабати билан "Ёшлар боғи" барпо этилди.

Бундан ташқари яна автомобилларни бошқариш майдончаси қурилди ва бир неча турдаги спорт майдончалари, соғломлаштириш мажмуаси фойдаланишга топширилди. Ўқув масканида ободонлаштириш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган бўлиб, ҳар йили ўқув юрти ҳовлисида турли хил кўчатлар экилади. Жорий йил баҳорида ҳам 450 дона арча, 600 дона терак, 210 дона мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари, 2000 дона атиргул қаламчаси қадалди.

Вилоятдаги турли йўналишдаги коллежлар, маънавий-маърифий ташкилотлар мутасаддилари бу ердаги ишлар билан танишиб, ўқув семинарларини ўтказаётгани жамоада маънавий-маърифий ишлар ҳам яхши йўлга қўйилганидан далолат беради. Шунингдек, бўлиб ўтаётган тадбирларда коллеж ўқувчилари юқори ўринларга сазовор бўлишяпти. Масалан, яқинда ўтган "Сиз қонунни биласизми?" республика кўрик-танловида коллеж ўқувчилари жамоаси фахрли 3-ўринни эгаллашди. Ахборот-ресурс маркази республика кўрик танловида эса коллеж АРМ мудири З.Ропиева муносиб ўринга сазовор бўлди.

Булардан ташқари, таълим маскани ўқувчилари спорт мусобақаларида ҳам фаол қатнашиб келмоқда. Хусусан, халқаро миқёсда сувга сакраш бўйича Г.Нугманова 1-ўринни эгаллагани ҳам фикримиз далилидир.

Ёшларни Ватанга садоқат, миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш бугуннинг долзарб масалаларидан биридир. Жиноятчилик, диний ақидапарастлик каби нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида вилоят, шаҳар ички ишлар идоралари, воягa етмаганлар билан ишлаш инспекцияси, профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда ҳам мунтазам равишда учрашувлар, тадбирлар ўтказилмоқда.

Бир сўз билан айтганда Жиззах транспорт, алоқа касб-ҳунар коллежида олиб борилаётган таълим-тарбия ишлари ёшларимизнинг келажакда комил инсон, етук мутахассис бўлиб етишишида катта ўринга эга.

Шу нарсани алоҳида қайд этиш жоизки, бугунги кунда коллежда ўқиш истагида бўлганлар жуда кўп. Шу боис, билимли ва изланувчан, замонавий технологияларга меҳри баланд ёшлар — айнан шу таълим ўчоғида ўқишни давом эттиришни исташмоқда. Жорий йилда ҳам 9-синфни тугаллаган кўплаб ёшлар ушбу таълим ўчоғига билим ва ҳунар олиш ниятида ҳужжатларини топширяпти. Танлов асосида ўқишга қабул қилинадиган ўқувчилар ана шундай масканда сабоқ олишларидан ғурурланса арзийди.

Норкул МАЪМУР,
"Hurriyat" мухбири. ®

ЎЗБЕК АДИБЛАРИ

АДАБИЁТНИ ВИЖДОН ДЕБ БИЛАРДИ

Отам зиёли бўлгани боис уйимизда анча-мунча китоблар бўлар эди. Бир куни отам менга Миркарим Осимнинг "Жайҳун устида булутлар" ва Шукур Холмирзаевнинг "Оғир тош кўчса..." китобларини совға қилди. Шукур аканинг китобига ишора қилиб: "Бу киши ўзимиздан чиққан ёзувчи" дея қўшиб қўйди.

Шукур Холмирзаев билан Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг иккинчи курсида ўқиб юрганимда юзма-юз суҳбатлашишга муяссар бўлганман. Талабаликка хос ғайрат, шижоат билан адиб ҳузурига борганман. Кейинчалик, аниқроғи, ёзувчининг "Олабўжи" романи "Шарқ юлдузи" журналида чоп этила бошлагандан сўнг шоир Эшқобил Шукурнинг таклифи билан "Саодат" журнали учун суҳбат ҳам ёзиб келганман. Ҳажман каттагина ушбу суҳбат 1993 йил журналнинг 2-3-сонларида эълон қилинди. Кейинчалик биз қадрдон бўлиб кетдик.

Шукур ака юртимиз тарихини яхши биладиган, фольклорни, урф-одатларни нозик англайдиган, билимли ва истеъдодли ёзувчи эди. Табиатида чўрткесарлик ҳам бор эди. Гоҳида адабиётга асоссиз даъво қилгувчи баъзи қаламкашлар ҳақида куюниб "Булар китоб ўқимайди, китоб ёзади", деганларини бир неча маротаба эшитганман.

У киши "Адабиёт ўладими?" мақоласини Ёзувчилар уюшмасидаги катта адабий йиғинда тик туриб, гулдираган овозда ўқиб берганида одамлар уни шеър ёхуд достон каби тинглаганлари ҳамон кўз ўнгимда турибди. Йиғилиш қизғин мунозаралар билан якунланганди ўшанда. Адиб ҳаётининг сўнгигача такрорлаб кетган "Мен адабиётга хиёнат қилмадим" деган гапини энди-энди англаётгандекман. У киши адабиётни виждон деб биларди. Шукур ака меҳри тоғдек баланд, аммо қаҳри ҳам қаттиқ одам эди. Меҳри товланганни "ойнанай" дея кўпчиликнинг олдида бўлсин очиқ суяр, хуш кўрмайдиган одамини, масалан, "Ўтириб бўмийди, оғажон!" дер эди. Шукур аканинг Дўрмонда ўтган ижодий ҳаётини яқиндан биладиганлар яхши эслайди. У киши ўзининг адабий қаҳрамонлари каби мағрур ва ҳалол яшаб ўтди. Ўзига шароит яратиш илинжида бировга ялиниб бормади. Бозор иқтисодини, ҳаёт мураккабликларини баҳона қилиб йўллари айро тушган баъзи дўсту қадрдонларидан, беоқибат шогирду укаларидан гина қилса-да, кўнглида уларга нисбатан ғараз сақламади.

Адибдан бир пайтлар садоқатли шогирд бўлиб "Оқ йўл" олган, кейинчалик нашриёт раҳбари сифатида диний адабиётлар нашридан тижорат қилиб, адабиётни тамом унутган бир қаламкашнинг "Ҳалиям ёзаяпсизми? Ким ҳам ўқирди адабиётингизни!" деганида, аламдан "Ўзим ўқийман! Ҳе..." дея жавоб қилганини эшитган эдим. Китоблари нашр этилмай турган йилларда бироз асабийлашар, лекин яна ижод билан машғул бўлиб кетаверарди.

Ёзувчининг Дўрмондаги бойсунлик усталар тиклаган пешайвонли, икки хонали уйи жуда кўп адабий суҳбат ва мунозараларга гувоҳ. Боғ ниҳоятда меҳр билан парваришланган: турли атиргул ва мевали дарахтлар ҳар қандай кишининг ҳавасини келтирарди.

Ерга бунчалик меҳрнинг сирини сўрасангиз:

— Боғига бир туп ниҳол қадамаган одамнинг Ватан ҳақида ёзганига ким ҳам ишонади?! –дея савол оҳангида гап қатор эди.

Шукур ака ўз қўли билан яратган боғда яйраб суҳбат қуришни жуда яхши кўрар, боғдаги ҳар бир туп гул ва дарахтни кимдан ва қаердан олиб келганини эринмасдан ҳикоя қиларди. Боғ ҳосилга кирган йил у киши учун унутилмас йил бўлди, десак адашмаймиз. Шиғил мевалар ва сабзавотлар кимларга насиб қилмади дейсиз. Ана шундай суҳбатларда мавзу айланиб такрор-такрор адабиётга тақалар ва Шукур ака устози Абдулла Қаҳҳорнинг ўтиришларда ҳикояларининг сюжетини айтиб пиширибоолганларини мароқ билан сўзлар, ўзи ҳам кўпинча ёзилажак ҳикоя ва эсселарини образга кириб айтарди. "Банди бургут", "Эркак", "Қуёш-ку фалакда кезиб юрибди", "Уҳ", "Чиллак ўйин" каби ўнлаб асарлар сюжети ана шундай ўзаро суҳбат-гурунгларда айтилган.

Шукур ака насримизнинг шоири, таъби ниҳоятда нозик ва юқори эди. Навоий, Бобур, Машраб ғазалларини, Миртемир домланинг "Сурат" поэмасини, Чўлпон, Усмон Носир, Абдулла Орипов, Хуршид Даврон, Усмон Азим ва бошқаларнинг энг зўр шеърларидан парчаларни ёд айтиб, охирида "Қалай? Зўр-а?" деб мамнун жилмаярди. Эсимда, бир газета муҳаррири бўлган шоирнинг китобига кирган айрим шеърларининг бутун-бутун қаторларини чизиб, саҳифаларга "шеър эмас, сўзбозлик", "шеър шу ерда тугаган", дея изоҳлаб кетганини кўрганман.

Шукур ака ёзувчи одам шеъриятни яхши билиши кераклигини, шоир эса, аксинча, кўпроқ проза ўқиши лозимлигини уқтирарди. У ўзини туғишганларидан, Бойсундан, унинг ўзига хос характерли одамларидан айри тасаввур қила олмас ва мудом улар соғинчи билан яшар эди. Бир куни онаси — Ойша момонинг маъракаларидан сўнг Дилобар жиянининг машинасида Тошкентга жўнадик. Шукур ака билан мен орқага, ўғли Жамшид эса олд ўриндиққа жойлашдик. Деҳқонобод, Китоб, Булунғур, Галлаороллда кечган тонг отар суҳбатларнинг ўзи бир тарих. Адиб, айниқса, Булунғур туманидаги Фозил Йўлдош номидаги хўжалик ҳудудида яшовчи тоға ва жиянлари даврасида кўрсатилаётган иззат-икромдан, қолаверса, қариндошлик ришталари бардавомлигидан ўзини эркин ва қудратли ҳис қилганди ўшанда. Мен ана шу тўрт кунлик ўзига хос саргузаштларга бой бўлган сафар давомида Шукур аканинг тутинган укаларига, жигарларига айрича меҳри борлигини кўрдим.

Адибнинг дўсти, "Она тупроқ қўшиғи", "Боботоғ" ва "Пайғамбар ороли" каби гўзал эсселари билан кўпчиликка маълум бўлган археолог ёзувчи Менгзиё Сафаровнинг ўлими ҳақидаги хабар келган кун Шукур ака билан телефонлашдик. У тамом чўкиб, довдираб, дам-бадам уф тортар, аламли овозда "Менгзиё, Менгзиё!" дея каловланарди. Кейинчалик "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида "Сенинг қадринг ўтди" номли хотираси эълон қилинди. Иродаси мустаҳкам, чўрткесар, ўз билганидан қолмайдиган, танти Шукур ака бир умрлик қадрдони вафотини оғир қабул қилганди.

Шу ўринда айтиш жоизки, Менгзиё Сафаровнинг "Турналар учади" қиссаси икки ижодкор дўстнинг бир-бирига ёзган хатларидан иборат эканини, Менгзиё аканинг тарих, археология мавзуидаги суҳбатлари ва ўқиган китоблари таъсирида Шукур аканинг "Қадим Бақтрия тупроғида" номли эссеси дунёга келган эди.

"Алпомиш" достонининг 1000 йиллиги муносабати билан 1999 йилда Ўзбекистон телевидениесининг "Юзма-юз" кўрсатуви орқали Шукур ака билан суҳбат қилдик. Достоннинг аҳамияти ҳақида тўлиб-жўшиб гапирган адиб: "Мустақил бўлганимиздан буён учиб юрибман, оғам. Энди мен билан гаплашадиган одам йўқ", деган эди.

"Шарқ юлдузи" журналининг 1988 йил 6-сонида Шукур Холмирзаевнинг 1987 йил ҳикоячилиги ҳақидаги "Мўъжиза бўлиб қолсин" сарлавҳали ўйлари берилган. Гарчи адиб камтарлик ила ўйларим, деб атаган бўлса-да, ушбу мақола ёзувчининг миллий прозамиз, жумладан, ҳикоячилигимиз ҳақидаги жиддий чиқишларидан биридир. Муаллиф ҳикоячилигимизнинг ютуқ ва камчиликларини ёзувчи нигоҳи билан кўради, таҳлил қилади. "Бир нарсани БЕМАЛОЛ қайд қилишим керак: кўпчилик ҳикояларимизда ЕЧИМ ЧАТОҚ", дейди адиб ва Чеховнинг "Ҳикояга янги ечим топиш — янги ҳикоячиликни бошлаш билан баробар", деган фикрини келтириб ўтади.

Мақолада насримизда бўй кўрсатаётган янгича йўл-йўналишлар ҳақида ҳам тўхталиб, айрим димоғдор, даъвоси катта ёзувчиларга анчайин холис баҳо бериб: "Энди, умуман, МАҲОРАТ бобидаги тилак – ОЛАМни кенгроқ, ДУНЁВИЙРОҚ мушоҳада этиш, демак, ўзимизга ИЖТИМОИЙ ва БАДИИЙ талабларни каттароқ қўйиш, қолаверса, ижод ТЕХНИКАСИ — профессионалликни мукаммалроқ эгаллашдан иборатдир", деган эди. Мақоланинг дунё юзини кўрганига йигирма йилдан зиёдроқ вақт ўтди. Яқинда мақолани яна бир бор варақлаб, муаллифнинг эътироф ва эътирозлари жуда ўринли бўлганини, буни ўтган давр исботлаганини англадим.

Шукур аканинг "Шукур ўлди" деган ҳикояси бор деб эшитгандим. Устоз бу ҳикоя сюжетини ўзаро гурунгларда ҳазил-чин оҳангида айтиб, охирида ўтирганларнинг фикрини сўрар эди. Хуллас, ҳикояда ёзилишича, Шукур Холмирзаевнинг "ўлгани" ҳақидаги хабар Сурхондарёга, аниқроғи, Бойсунга етказилади. Ҳамма бир-бирини сим орқали хабардор қилади. Лекин Тошкентга тезроқ етиб бориш ҳақида ҳеч ким қайғурмайди. "Ўлик" беэга қолади... Ҳикоя матбуотда эълон қилингани йўқ. Балки ёзувчининг қўлёзмалари орасидадир, балки қоғозга тушмасдан, хаёл маҳсули сифатида қолиб кетгандир.

Адиб мустақиллик йилларида "Озодлик", "Чиллак ўйин", "Банди бургут", "Аросат", "Булут тўсган ой", "Танҳолик", "От йили" каби адабиётимизнинг чин маънода мулки бўлган ҳикоя ва қиссалар, эсселар ва "Олабўжи", "Динозавр" номли икки роман битди. Лекин ёзувчи ижоди, адабий мероси ҳаётлигида кам ўрганилди. Бугун ҳам ўрганиш мумкин бўлган жиҳатлари кўп. Тўғри, адибнинг ҳикоячиликда мактаб яратгани ёзувчи ва мунаққидлар томонидан бир неча бор эътироф этилган. Аммо Шукур Холмирзаев ҳикоячилиги кенг кўламда илмий-адабий жиҳатдан чуқур ўрганилгани йўқ.

Адиб "Сайланма"синининг учинчи жилдида қизи Сайёрага ёзган миннатдорлик мактуби бор. Унда шундай дейилади: "...мен бу ҳикояларнинг ҳар бирини дунё адабиёти ҳикоячилигига бўйлаб ёзганман. Булар қандайдир синтез жавоҳирлар эди, уларнинг фазилати катта. Болам, бу жилдлар дунё адабиётида ҳам янгилик, бойлик, ҳали бу асарлар ўз қадрини топади".

Яхши асар ва ёзувчининг умри боқий бўлади, дейишади. XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI аср бошларидаги миллий адабиётимиз тарихида Шукур Холмирзаев ижоди алоҳида бир зарварақ. Бадиий сўз муҳибларининг ҳар қанча фахру ифтихор ила ёд этса арзийдиган сиймо.

Олим ТОШБОЕВ,
филология фанлари номзоди.

ШЕЪРИЯТ

ДИЛДА ИШҚ НИҲОЛИН ЭККАНИНГ ЯХШИ

Илҳом КАРОМ

БИР ГАПИМ БОР

Эски чинор чўпчагидай,
Кайфият капалагидай.
Умр ўтаяпти дилдошим,
Битта гапим бор қуёшга,
Хаёл бошқа, ҳаёт бошқа.

Кеча кўкларни қучгандим,
Осмон бағирлаб учгандим.
Қўнгил либосин ечгандим,
Нималар кечмади бошдан,
Хаёл бошқа, ҳаёт бошқа.

Агар билсанг, баҳор аслим,
Тупроқми, гуллади фаслим.
Юлдузларга кўксим босдим,
Айландим бир томчи ёшга,
Хаёл бошқа, ҳаёт бошқа.

Онам, дадам, ёдим – ўйчан,
То қабрига етгунимча.
То қадрига етгунимча,
Етишсайди етмиш ёшга,
Хаёл бошқа, ҳаёт бошқа.

Висолинг бандиман қадим,
Гарчи ўйларим лойқадир.
Нигоҳларимни чайқадим,
Қароғларингга – сирдошга,
Хаёл бошқа, ҳаёт бошқа.

– Э, қўй, бу гапларни мен ҳам,
Кеча сендек эдим ўктам.
Севги деганлари билан,
Қорин тўярмиди бўтам . . .
Панд беради кекса ёшга –
«Хаёл бошқа, ҳаёт бошқа»

* * *

Қўшимда чимрилиб қилич қошлари,
Зулфиқор, қароғи ғазал келади.
Бир бор уни кўриб кетдим яшариб,
Гўзал жилмаяди, гўзал кулади.

Ёдимнинг узоғу яқинларидан,
Шафақнинг қизарган ёлқинларидан,
Дилрабо оҳанглар оқимларидан,
Гўзал жилмаяди, гўзал кулади.

Қай бири буғдой ранг, қай элат занги,
Севги ўша-ўшадир, ҳасрат занги...
Бари ярашиқли, чиройли ғамгин,
Гўзал жилмаяди, гўзал кулади.

Мен уни соғиндим ерни бағирлаб,
Нигоҳимни ювиб ўтди ёмғирлар.
Кўзларидан бўса олсам қиқирлар,
Гўзал жилмаяди, гўзал кулади.

Энди кулгичлари жонимга дармон,
Севаман, суяман бекам, беармон.
Юзига юзимни босиб ўтарман...
Гўзал жилмаяди, гўзал кулади.

ЯХШИ

Ҳар бир яхши гап жон озиғи, малҳам,
Ҳар битта яхши сўз деганинг яхши.
Лабларинг яшнатиб зебу зар, шабнам,
"Барибир яхшисиз!.." деганинг яхши.

Кеча қароғимга тўкилган яғмо,
Бу кун кўкрагимга тикилган ямоқ.
Бир кун кўролмасам аҳволим ёмон,
Борсам, якка- ёлғиз эканинг яхши.

Кўнгилсан, кўз ёшинг – булоғинг билан,
Ҳушбўю, хушнафас титроғинг билан,
Ширин табассуминг, нигоҳинг билан,
Дилда ишқ ниҳолин экканинг яхши.

Юзингга қарасам кетар хавотир,
Меҳру мурувватинг суянч, асодир.
Гиёҳсан, чечаксан, гулсан – асотир,
Япроқларинг азиз, тиконинг яхши.

... Ҳеч нима керакмас, ёнимга келиб,
Термулиб қўйсанг бас, жилмайиб, кулиб.
Сенга истаганча эркалик қилиб,
Ажрига жонимни тикканим яхши!

* * *

Қошимда чимрилиб қилич қошлари,
Зулфиқор, қароғи ғазал келади.
Бир бор уни кўриб кетдим яшариб,
Гўзал жилмаяди, гўзал кулади.

Ёдимнинг узоғу яқинларидан,
Шафақнинг қизарган ёлқинларидан,
Дилрабо оҳанглар оқимларидан,
Гўзал жилмаяди, гўзал кулади.

Қай бири буғдой ранг, қай элат занги,
Севги ўша-ўшадир, ҳасрат занги...
Бари ярашиқли, чиройли ғамгин,
Гўзал жилмаяди, гўзал кулади.

Мен уни соғиндим ерни бағирлаб,
Нигоҳимни ювиб ўтди ёмғирлар.
Кўзларидан бўса олсам қиқирлар,
Гўзал жилмаяди, гўзал кулади.

Энди кулгичлари жонимга дармон,
Севаман, суяман бекам, беармон.
Юзига юзимни босиб ўтарман...
Гўзал жилмаяди, гўзал кулади.

ЎЙЛАБ КЎРИНГ

Экологик маданиятимиз бўлсин

Бир пайтлар ариқларда нон оқизиб еганимиз ва бунинг ўзига хос гашти борлигини ширин энтикиш билан хотирлаймиз. Аммо бугун бу гаплар минг афсуски, деярли имкони йўқ орзуга ўхшайди. Чунки... ҳозир бир пайтлар зилол сувлар оқиб турган ариқлардаги сувни ичиш тугул, ҳатто чўмилишга ҳам киши чўчийди. Сув ҳавзалари, ариқ ва ариқчалар ҳар хил ичимлик идишлари, қоғоз ва шиша буюмлар билан тўлиб-тошган.

Баъзи бир ёшлар, болалар, ҳатто катта ёшдагилар ҳам ичимлик ва ширинлик маҳсулотларининг чиқиндиларини, сигарет қолдиқларини баъзан шундоқ йўл четига ташлаб кетаверишади. Негадир ота-оналар ҳам фарзандларига бу борада танбеҳ беришни унутиб қўйишаётгандек назаримда. Аксинча, ҳатто машинада кетаётиб ҳам "кераксиз" нарсани тўғри келган жойга улоқтириб, ўзига хос "ибрат" намунасини кўрсатишади.

Аввалари ота-боболаримиз ҳайвонларга озор бермаслик, сувга тупурма, атрофни ифлос қилма каби ибратомуз насиҳатларни қулоғимизга қуюшарди. Гарчи бу гапларнинг ҳадеб такрорланавериши бизга ёқмаса-да, беихтиёр унга амал қилардик. Назаримда бугун атроф-муҳит озодалиги, кўчаларимиз орасталиги аввало ўзимиз, соғлигимиз учун сув ва ҳаводек зарур эканини унутиб қўяяпмиз шекилли?

Ахлатхоналар ёнидан ўтаётганда гоҳида одатда бурнимизни жийириб, иложи борича нафас олмасликка тиришамиз. Энди тасаввур қилинг, агар шаҳардаги ҳар бир киши кўнгли тусаган ишни қилиб, хоҳлаган тарафга қўлидаги қутини, кераксиз қоғозни ташлаб кетаверса, бутун ҳудуд чиқиндихонага айланмайдими?

Тўғри, фан-техника ривожланиб бораяпти. Янгиланишлар, ўзгаришлар кўз ўнгимизда кечаяпти. Бироқ, замон шиддати ҳақида мулоҳаза юритар эканмиз, бугун экологик маданият йўқолиб бораётгани хусусида ҳам ўйламасдан иложимиз йўқ. Наҳотки, замона шиддати ортидан қувиб, экологик маданиятни бой бериб бораётган бўлсак?!

Тўлғаной МАВЛОНОВА

МУТОЛАА

КОСА ТАГИДА НИМКОСА

Иттифоқо, тошбақа билан кийик учрашиб қолди. Дунёни сув босса, ўрдакка не ғам қабилида ҳаёт кечирадиган тошбақа доим сакраб, чопқиллаб юрадиган кийикнинг ҳолига ачинган бўлди, унинг қисматига ҳамдардлик билдирди. Мустаҳкам тошга ўралиб олиб, бу оламда кечаётган турфа воқеалардан ғофил тошбақага кийик нима деб жавоб берди, дерсиз. Ушбу ибратли масал ва қиссадан чиқарилган ҳисса ёзувчи, шоир ва масалнавис Мухтор Худойқуловнинг Ғафур Ғулом нашриётида чоп этилган "Фил билан пашша" китобидан ўрин олган.

Ўзига хос жозибага эга масал жанри неча замонлардан буён тафаккур аҳлини мушоҳадага чорлаб келади. Воқеликни рамзий образлар ёрдамида ифодаловчи, одамларнинг ҳаёт тарзи, феъл-атвор қирраларини киноя, кесатиқ, кулги воситасида очувчи бу жанрга даставвал юнонистонлик донишманд — Эзоп томонидан асос солинган. Эзопдан кейин бу жанрни француз ижодкори Лафонтен, рус масалчиси И.Крилов, мумтоз шоиримиз Гулханий янги босқичга кўтарди. Масалчилик анъанасини Мухтор Худойқулов замонавий адабиётимизда муносиб давом эттириб келмоқда. Ҳозирга қадар серқирра ижодкор ва олимнинг насрий ҳамда шеърий асарлари қатори бир қанча масаллар тўплами ҳам чоп этилган.

Муаллифнинг ушбу китобидан шеърий усулда ёзилган масаллар, И.Крилов, С. Маршак, С. Михалков каби атоқли ижодкорлардан қилинган таржималар, ҳажвий тўртликлар ўрин олган. Ижодкор масаллари орқали кундалик ҳаётимизда учрайдиган, аммо кўп ҳолларда эътибор берилмайдиган ҳолатлардан хулосалар чиқаради. Ибратли ҳодисалар қаламга олинган шеърий асарлар ўқувчини ўйлашга, мушоҳадага ундайди, мудраб ётган инсоний туйғуларни уйғотиб юборади. Боз устига, назмда ёзилган масалларни ўқувчи осонгина хотирасида сақлаб ҳам қолади.

Муаллиф одамларга хос хусусиятларни жониворлар ва ўсимликлар оламига кўчиради. Масалларда қаламга олинган образлар ёрқин ва бўёқдор, уларнинг ўзига хос қирраларини очишда эса савол-жавоб ва мунозара усули қўл келган.

"Баланд дор", "Соялар", "Курка нима дейди", "Тил бошқа-ю, дил бошқа", "Ғалати шер", "Юзи қоралар", "Тўтиқуш билан булбул", "Рост билан ёлғон", "Боқилган бургут" каби масалларда муаллиф мажозий тимсоллар воситасида ҳақиқат, эзгулик, ҳалоллик каби азалий қадриятларни улуғлайди, инсон зотини тубанликка тортувчи иллатлардан огоҳ этади.

Китобдан ўрин олган ҳар бир масал муаллифнинг янги топилмаси, бетакрор образлари билан эсда қолади. Баланд дорга осилиб, йўлбарс билан қуда тутинган мушуквой, борига қаноат қилмаган бўрсиқ, ўзи учишни билмаса-да, қушларга парвоз қилишни «ўргатиш» даъвосидаги курка, тайёр ошга баковулликни ихтиёр этиб, бадном бўлган шер, дон ўмариб қопқонга тушган сичқон, илтифот эвазига эркинликдан мосуво бўлган бургут, ўзича мустақил бир қадам ҳам юролмайдиган темир одам...

Ўқувчи ҳар бир масалдан ўзи учун ўрнак бўларли жиҳатларни топиб олади. Муаллиф ўз фикри ва қарашига эга бўлмаган соясимонлар ҳолидан аччиқ кулади. Хўжайиндан суяк олиш илинжида думини ликиллатаётган кучукча, таъма ила хожаси оёғига суйкаланаётган мушук орқали лаганбардорлар, хушомадгўй кимсалар қиёфаси очиб берилади. "Хилма-хил жанрга қилганман жазм, гоҳ наср куйлайман, гоҳида назм" дея шоҳдан-шоҳга сакраётган майна орқали эса ўзини бозорга солаётган истеъдодсиз қўшиқчиларнинг аянчли ҳолати кўрсатилади.

Китобдан муаллифнинг трагик кулги акс этган шеърларини ҳам ўқиш мумкин. Мана, "Кимга тўй, кимга аза" деб аталган тўртликлардан бири:

Икки арслон олишди роса,
Бир-бирини охир қулатди.
Тулкиларга бўлди-ку маза,
Тўқай икки шерин йўқотди.

Китобга жамланган масаллар коса тагида нимкоса усулида ёзилган. Шу туфайли ўқувчи ҳар

бир мисрани диққат билан мутолаа қилиши, сатрлар қатига сингган ўзига хос маъноларни англашга интилиши зарур.

Муаллифнинг "Меҳмоннома" (шоир Меҳмоннавозийнинг янги топилган девонидан) ҳажвияси ҳам чиройли ташбеҳ ва муболағалари билан эътиборни тортади. "Сачратқилар" — тўртликлар ҳам ижодкорга хос ўткир сатира ва енгил юморни яна бир карра намоён этади.

Ислом СУЛТОНОВ

МАДАНИЯТ

МЕРОС

Оқсарой дунё каҳкашонида

Ватан. Бу сўз ҳар бир миллат учун ғурур ва фахрга йўғрилган муқаддас туйғу. Зотан, Ватаннинг ҳар бир қарич ери шу юрт эгалари учун азиз ва мўътабар саналади.

Ватанни севмоқ эса бизга боболардан мерос. Ҳар сафар Шаҳрисабзга йўлим тушар экан, у билан хаёлан суҳбат қураман. Шаҳрисабзнинг мусаффо ҳавоси, кўркам табиати одамларининг маданияти билан уйғунлашиб кетгандек туюлади. Ўтмишда ҳам шаҳри Кеш дунёнинг энг гўзал масканларидан бири дея эътироф этилган.

Буюк Соҳибқиронни дунёга ҳадя этган замин тупроғи муқаддас ҳисобланади. Бобомиз "Қимматли баҳодирлар соясида 27 ўлканинг ҳақони бўлдим!", — дея бежизга айтмаганлар. Амир Темур салтанатининг чегаралари Идил (Волга) дарёсидан Ҳиндистоннинг Ганга наҳригача, Измир ва Шомга қадар узалган эди. Соҳибқирон тарихий ғалабалари кезларида худди Самарқанд каби Кеш шаҳрига ҳам катта эътибор берган эди. Шу боис, бу шаҳарни Ўрта Осиёнинг маънавий марказига айлантирган. Шаҳрисабз Амир Темур давридаёқ "Қуббатул илм вал адаб" унвонига сазовор бўлган.

Соҳибқирон бобомиз Кеш шаҳрига алоҳида муҳаббат билан қараганини тарихий манбалардан ҳам билиш мумкин. Бу ҳақда можор олими Ҳерман Вамбери шундай ёзади: "Жаҳонгирнинг дилида гўзаллик ва юксакликка муҳаббат шу қадар кучли эдики, бунга унинг даврида яратилган санъат ва меъморий асарлари далилдир. Темур гарчи ўз мамлакатининг бошқа шаҳарларида бинолар қуришга ҳам амр этди. Масалан, Табризда масжид, Шерозда сарой, Бағдодда мадраса, машҳур шайх Аҳмад Яссавий қабри устида мақбара бино этди. Кешда отасининг қабри устида мақбара, тўнғич ўғли Жаҳонгирга мақбара билан бирга масжид қурди..."

Уч иқлим — шимол, жануб, ғарбда ўз ҳукмронлигини ўрнатган соҳибқирон Амир Темур Кешда гўзал Оқсаройни бунёд эттиради. Баъзи манбаларда 12 йил, баъзисида 20 йил ичида қурилган Оқсарой ўз даврида ҳам улуғвор салобати ила кишиларни ҳайратда қолдирган. "Кунгурасининг баландлиги чексиздир. У само юлдузларининг кўзлари билан баҳслаша олади", — дея ёзган эди машҳур тарихчи олим Шарафиддин Али Яздий.

Оқсарой пештоқининг бош равоғини кўрган киши бинокор усталарнинг маҳоратига қойил қолиб, уларга таҳсин ўқийди. Ҳерман Вамберининг таъкидлашича, "Оқсарой — Эрон меъморларининг холис ишидир, улар бунда ўзларининг миллий услуб меъморчилигига, аниқроғи, ғарбий ислом услубига содиқ қолиб иморат пештоқига доира ва қуёш аломатини тасвирлаганлар. Шунингдек, Турон фотиҳининг иқоматгоҳи, Эрон шоҳларининг аломат белгилари билан безатилган эди. Амир Темурнинг аломат белгиси 3 халқадан иборат бўлиб, унинг шиори: "Русти-рости" яъни "Куч — адолатда!" маъносини англатган. XVI асрда Оқсаройнинг улуғворлиги ва муҳташамлигидан завқланган Заҳириддин Муҳаммад Бобур шундай ёзган эди. "Мунга олий тоқ оламда кам нишон берурлар!.."

Шубҳасиз, Шаҳрисабзда бизга мерос бўлиб қолган 200 га яқин тарихий обидалар Амир Темур ва темурийлар салтанати даврида бунёд этилган. Бироқ, уларнинг аксарияти бизгача долғали замонлар силсиласида хароба ҳолатида етиб келди.

Албатта, Оқсарой ҳақида, унинг кўлигул меъморларининг мўъжизаси ҳақида узоқ сўзлаш мумкин. Бироқ, бугунги Оқсаройнинг бизгача етиб келган қисмини сақлаб қолиш, имкон қадар уни қайта тиклаш ва таъмирлаш муаммоси ҳамон тилсимлигича қолмоқда. Қарийб етти асрдирки, шамолу бўронлар, зилзилалар, қору ёмғирлар кучи емира олмаган Оқсаройнинг ғишту тошларини фақат ёғийлар топтадилар, фақат улар буза олдилар.

Амир Темур даври меъморларининг иши шу қадар мукаммалки, ҳар бир ғишт, ҳар бир кошин ва безаклар, уларга қўлланилган қоришмалар ўз кучини ҳали ҳам йўқотмаган. Оқсарой, унинг улуғвор устунлари пештоқига қопланган либос — турли шаклдаги кошинлар ва сиркор сополлар чинакам мўъжизадир! Гулбанди усулларида битилган ҳусни хат битиклар, оятлар ҳамон муқаддас достон каби ўқилади.

Албатта, бу тарихий гўзал обидалар, буюк бобомизнинг амалга оширган ишлари истиқлолимиз туфайлигина қадр топди. Мустақиллигимиз ўзлигимиз, тарихимизни қайтариб берди.

Ғулом ЭГАМШУКУР

ТАФАККУР

Мақсуд ҚОРИЕВ

МУАЛЛИФДАН:
Булар менинг ён дафтаримдаги битикларим, йиллар оша, мана энди МИНГ ОЙ умр кўриб, ўқиб, уқиб ҳамда донишманд отам, меҳрибон онам ва устозларимдан олган сабоқларимни тафаккурим кўзгусидан яна бир бор ўтказиб, ижод дафтаримга йилма-йил, ойма-ой, кунма-кун ёзиб борган эдим. Уларни умр чўққисидаги ёшга етган ҳаётимнинг олтин (ҳосил йиғиш) фаслида Сиз азиз ўқувчилар ҳукмига озгина бўлса-да ибрат, ўгит маъносида ҳавола этдим.

Ён дафтардаги ёзувлар

__1.__ Инсонда, унинг юрагида Аллоҳнинг имзоси бор, дерлар. Чунки инсон деган мукаммал мавжудотнинг муаллифи, ижодкори Яратганнинг ўзидир. Шу сабаб, барча жонзотлар ичинда ақл бовар қилмайдиган даражада, ҳозирги замон компьютерлари ечолмаган нарсани одам ҳал этади. Зеро компьютер ҳам инсон томонидан яратилган.

__2.__ Ҳаёт иншо дафтари эмаски, уни қайта кўчириб ёзсанг. Не ноўрин ишлар бошингга тушган бўлса, барчасини ўзингдан кўр.

__3.__ Бир дўстимга қанча яхшиликлар, ибратли амаллар қилдим, аммо битта илтимосини бажаролмаган эдим, юз кўрмас бўлиб кетди. Дўсти нодондан, ақлли душман яхшидур, деб бежиз айтишмаган экан.

__4.__ Дунёда энг кенг, поёнсиз нарса хаёлдур, ширин нарса ҳам... Хаёл билан истаган орзуйинга эришишинг мумкин, ҳатто ўзга сайёраларга ҳам бориб келсанг бўлади. Фақат хаёл билан...

__5.__ Қизиқ, ўла-ўлгунча Сизга содиқман дейсан, ахир тириклик чоғингдаёқ бевафолик қилдинг-ку!

__6.__ Ҳар сўзнинг бирида устоз, устоз дерди, амалдан кетганимдан кейин устоз дейишга тили айланмай қолди. Мансабдаги чоғингда сенга яқинлашган хушомадгўйларга ишонма.

__7.__ Мансаб курсисида ўтирган чоғингда "дўстларинг" кўпайиб кетади. Ишдан кетдинг, улар бирин-кетин сени тарк этади. Амалга минган вақтингда мен сизнинг содиқ дўстингизман деган одамга ишонма!

__8.__ Қушлар учирма бўлгач, ўз ота-оналарини унутадилар (балки ундай эмасдир), одамлар-чи?

__9.__ Бошингга бир кулфат тушиб таъна тошлари остида қолсанг, бирор нарса ҳам кўнглингга таскин бермаса (ҳатто ибодат қилиш ҳам), етим-есирларга хайр-эҳсон қил, шунда кўнглинг таскин топади...

__10.__ У мажлис аҳлига шундай ақлли, ибратли сўзлар айтдики, тинглаган ҳузур қилди. Аммо ўзининг ҳаёти, турмуш тарзи аҳмоқликдан иборат.

__11.__ Улар икки дўст учрашиб қолишса қучоқлашиб, ўпишиб кўришишади, ажралгач йўл-йўлакай туфлаб боришади, тўйлар даврасида хушчақчақ, уйга борганида эса қовоғидан қор ёғади. Кўча хандон, уй зиндон дерлар бундай одамларни...

__12.__ Эрига қасдма-қасдликка хиёнат йўлига кирган аёл ўта аҳмоқ, нодондур.

__13.__ Муҳаббатдан мосуво бўлсанг, инсонлик хислатлари сени бирин-кетин тарк этади... Ўтли севги-муҳаббат бора-бора меҳр-шафқатга айланади. Инсондаги эзгулик хислатларининг илдизи — муҳаббатдир. У олий туйғу, у ҳар кимга ҳам насиб этмайди.

__14.__ Эй менинг ширин хаёлларим, мени қўй, бироз ухлаб олай.

__15.__ Ҳаёт гўё радио тўлқинларига ўхшайди, сен ундан ўзингга зарур, керак бўлган куйни, қўшиқни, сўзни қидириб топиб олишинг керак.

__16.__ Ҳусн аёлга зарур (ҳусн, чирой аёлники), эркак кишига ақл-идрок, мардлик керак.

__17.__ Севганингнинг ити ҳам сенга қадрдондек кўринади...

__18.__ Қуш осмонга чиқса ҳам барибир қайтиб ерга тушади, инсон ҳам.

__19.__ Ой куяди, кейин яна аслига қайтади, инсон ҳаёти-чи, орқага қайтмас. Ойдин кечалар такрор бўлаверади, ёшлигинг эса такрорланмайди.

__20.__ Бировнинг бахтига ҳасад қилгандан кўра, менга ҳам шундай бахт-саодат бахш эт, деб Аллоҳдан сўра, яхши ният қил!

__21.__ Тушимда ёшлигимни кўрдим, уйғонсам йўқ бўлиб қолди... Аттанг... Яна бироз ухлай деб кўзимни юмдим... Зора... уни яна кўрсам деб...

__22.__ Муштарий яхшиликни раво кўрмас, Зуҳҳол ёмонликни ҳукм эта олмас, бу фақат Яратганнинг ишидир. Юлдузларга қараб тақдирни белгилаб бўлармикин?

__23.__ Эй менинг ширин хаёлларим, мени бироз тинч қўй, чарчадим, бироз тинч ухлай...

__24.__ Сочларимнинг ярми оқ, ярми қора, гўё жанг қилишга шай турган турган аскарлардай...

__25.__ Яхши суҳбатдошинг бўлмаса, китоб ўқи (мутолаа айла), зеҳнинг очилади, тафаккуринг кенгаяди...

__26.__ Йигитлик яшиндек тез ўтиб кетди, қарилик эса қарзини қистаб келган тужжордек эшигим остида турибди.

__27.__ Яхшилаб тингла, най недан шикоят айлар.

__28.__ Бир қуртга ипак тўқитиб инсонни кийинтирган, заҳарли илондан (аридан) бол (асал) етиштирган буюк роббимдир...

__29.__ Билгилки, разил қилмишларинг учун одамлардан жавоб ололмасанг, табиатдан (Аллоҳдан) олурсан. Ҳаёт бир жойда турмайди, ҳамиша ҳаракатдадир.

__30.__ Биз жуда ақлли ёки аҳмоқ халқ эмасмиз, ҳамма қатори Аллоҳнинг бандаларимиз.

__31.__ Кўнглинг пок бўлса, қаримайсан, ҳасадчининг рангги чиқмайди. Инсон кўзи унинг юрагидир, юрак кўздан олдин кўради.

(Давоми бор)

СПОРТ

ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

29 июнь куни Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида Осиё Чемпионлар лигаси ва ОФК кубогининг чорак финал ва ярим финал баҳсларига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Ушбу қуръа ташлаш бизга қувончли натижаларни тақдим этди. Чунки мухлисларимизда Ўзбекистоннинг икки клуби чорак финалда бир-бири билан тўқнаш келиб қолмасмикан деган хавотир бор эди.

Қуръа ташлаш натижаларига кўра, «Бунёдкор"га Кореянинг «Поҳан Стилерз» жамоаси рақиб бўлди. Ушбу клуб Корея кубоги соҳиби ҳисобланади. Тошкентнинг яна бир жамоаси «Пахтакор»га эса Саудия Арабистонининг «Ал-Иттиҳод» клуби рўбарў келди. Эътиборлиси, ҳар икки клубимиз ҳам илк ўйинларни Тошкентда ўтказишишади. Япония учун кутилмаган жуфтлик — «Кавасаки Фронтале» ва «Нагойя Грампус» жамоаларининг бир-бирига қарши тўп суришидир. Яна бир жуфтликда эса Катарнинг «Умм-Салал» жамоаси ва Кореянинг «Сеул» клуби ўзаро беллашади.

Осиё чемпионлар лигасининг чорак финалига қуръа ташланишидан аввал ОФК кубогига ҳам қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Унга кўра, Фарғонанинг «Нефтчи» клуби ярим финалга чиқиш учун Гонконгнинг «Саут Чайна» жамоаси билан кураш олиб боради.

МИЛЛИОНЕР СПОРТЧИЛАР



Американинг Forbes журнали ер юзида энг кўп пул топадиган спортчиларнинг рўйхатини эълон қилди. Унга кўра, америкалик гольф ўйинчиси Тайгер Вудс энг сердаромад спортчи экани маълум бўлди. У ўтган йил давомида 110 миллион АҚШ доллари миқдорида бойлик тўплаган. Шундан фақат 5 миллиони турли даражадаги мусобақаларда ишлаб топилган. Фойданинг қолган қисми рекламадан, янги гольф марказлари қурилишидан ва мазкур спорт турига оид анжомларни ишлаб чиқаришдан келган. Ушбу рўйхатдаги иккинчи, учинчи ўринларни баскетболчилар Кобе Брайант, Майкл Жордан, тўртинчи ўринни эса "Формула-1" мусобақаси пойгачиси Кими Райкконенлар эгаллашган. 2008 йилда уларнинг ҳар бири 45 миллион доллардан соф фойда соҳиби бўлган. Бешинчи поғонани машҳур футболчи Дэвид Бэкхем банд этган. У йил давомида 42 миллион доллар ишлашга эришган.

УСЕЙН БОЛТ ЯНА ТЕНГСИЗ

Қисқа масофага югуриш бўйича уч карра Олимпиада чемпиони Усейн Болт Ямайкада ўтказилган мусобақада 200 метрга югуриш баҳсларида ғолиб бўлди. Жорий йилнинг август ойида шу масофага югуриш бўйича Берлинда ўтказиладиган жаҳон биринчилигига йўлланмани ҳам қўлга киритди. Усейн Болт ушбу мавсумда бу хилдаги мусобақаларда биринчи марта қатнашаётган бўлса-да, яхши натижани қайд этди. У белгиланган жойга 20,25 сония ичида етиб келишга эришган. Эслатиб ўтамиз, у бундан олдинги мусобақаларда фақат юз метрлик баҳсларда зафар қучган эди.

Аёллар ўртасида эса Вероника Кэмпбелл-Браун биринчиликни эгаллади. У Олимпиада ўйинларида икки марта ушбу масофада тенгсиз бўлган.

ЭЛЛИК ЁШИДА ЭЛЛИК ОЛТИНЧИ ҒАЛАБА

Афсонавий француз велопойгачиси Жанни Лонго фаолияти давомида 56 та олтин медални қўлга киритди. У Франция миллий чемпионатининг яккалик баҳсларида ғолибликни эгаллади. Мазкур ғалаба спорчининг эллик ёшга тўлишига муносиб совға бўлди. У айнан эллик ёшга тўлган куни ғолибликни нишонлади.

Ушбу мусобақа Франциянинг Сен-Брие шаҳрида ўтказилиб, унда 33 нафар велопойгачи иштирок этди. Улардан бири Олимпиада ва 13 карра жаҳон чемпиони Ядвиг Питель бўлиб, у Жанни Лонгодан бор-йўғи 33 дақиқага ортда қолди.

Жанни Лонго жаҳон чемпионатининг биринчи кумуш медалини бундан йигирма саккиз йил олдин — 1981 йилда қўлга киритган эди.

Умида КАРИМОВА тайёрлади.

"Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 12 октябрда берилган 387 "п" рақамли гувоҳнома йўқолгани боис бекор қилинганини маълум қилади.

ҲА-ЁТ!

АДАШИШ

Уни тақдир сийлади. Ҳеч нарсага зориқмай, камкўстлик кўрмай улғайди. Балоғат ёшига етганида, шеъриятга ҳавас уйғонди. Қўлига қалам олиб шеърлар машқ қила бошлади. Буни истеъдодга йўйган отаси нуфузли газета ходимларини меҳмонга таклиф этди. Ийманибгина хизмат баҳона, меҳмонхонага кириб-чиқиб юрган қизини меҳмонларга таништирди.

— Менинг ўртанча қизим Вазирахон. Адабиётга ихлоси баланд, шеърлар машқ қилиб туради, китоб ўқишдан бўшамайди, — деди фахрланиб.

— Жуда яхши-да. Шеърларини бизнинг газетага муносиб кўрса, дарров босамиз. Албатта, таҳририятга юборинг.

Эртасига отасининг енгил машинасида таҳририятга ташриф буюрди. Машқларини олиб қолишди. Орадан кўп фурсат ўтмай қайтадан ёзилган машқлари сурати билан газета саҳифаларида босилди. Отаси раҳбар бўлган ташкилот ҳомийлик қилаётган бошқа газеталар ҳам уни қайта-қайта кашф этишди. Тез орада элга танилди, номи тилга тушди. Шаҳар, вилоят миқёсида ўтказиладиган кўрик-танловларда мунтазам иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритди.

Кўпгина ижодий уюшмаларга аъзо ҳам этиб сайланди. Бора-бора бу сохта мақтовлар ўзининг ҳам меъдасига тегди. Умуман ёзмай қўйди. Унинг ижодига ёрдам бераётганларнинг ҳам ҳафсаласи пир бўлди шекилли, ўзларини четга тортишди. Бирор дарди, ёзадиган мавзуси бўлмагани учун давраларда хижолат бўла бошлади. Ижод аҳлидан ўзини олиб қочадиган бўлди.

— Аросатда қолган одамдекман, — деди бир кун яқин дўстига юрак очиб, — нима қилишимни билмайман. Эришган сохта шон-шуҳратим аслида менга керакмиди? Ҳамма нарсанинг табиий бўлгани яхши экан. На олдинга йўл бор, на орқага.

Исмоил ТЎХТАМИШЕВ

РАССОМ ХАНДАСИ

Ҳусан СОДИҚОВ чизган сурат.

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳосил КАРИМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга юборилган хат ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
e-mail: hurriyat@doda.uz

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Сирдарё — 8-372-366-99-21
Навоий — 8-436-374-63-11
Сурхондарё — 8-376-370-12-01
Қашқадарё — 8-375-221-78-50
Тошкент — 8-370-383-97-53
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-226-73-68

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Иномжон АБДИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.30

® — тижорат белгиси.

Адади: 11461 Буюртма — Г-654 2345678